Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2020 ЙИЛ – ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2020 йил 30 июнь, № 137 (7639) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Азиз ўғил-қизларим!

Барчангизни юртимиз ҳаётидаги қутлуғ байрам — Ёшлар куни билан самимий табриклаб, ўзимнинг чуқур меҳрим ва эзгу тилакларимни билдиришдан ғоят мамнунман.

Бугунги кунда мамлакатимизда янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда азму шижоатли ёшларимизнинг ўрни ва таъсири тобора ортиб бораётгани ҳаммамизни қувонтиради.

Ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида, Ватан ҳимоясидек шарафли вазифани адо этишда миллий-онлаб ёшларимиз садоқат ва фидойилик билан хизмат қилмоқда. Сиёсий савияси етук, мустаҳкам фуқаролик позициясига эга юзлаб йигит-қизлар парламентимиз ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг аъзоси сифатида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий ҳокимият идораларида раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатмоқда.

Республикамизда самарали ишлаётган 227 мингга яқин ёш тадбиркор ва фермерлар, моҳир ҳунармандлар иқтисодиётимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқда. Юртимизда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун зарур шароитлар яратилмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, биргина **“Ёшлар — келажагимиз”** дастури доирасида ёш авлод вакилларининг 7 минг 775 та бизнес лойиҳасига 1 триллион 635 миллиард сўмдан зиёд имтиёзли кредит маблағлари ажратилиб, шу асосда 40 мингга яқин янги иш ўрни ташкил этилганини қайд этиш лозим.

Ана шундай эътибор ва ғамхўрлик туфайли ҳудудларда 27 та “Ёш тадбиркорлар” коворкинг-марказлари ҳамда 157 та “Ёшлар меҳнат гузари” фойдаланишга топширилди. Ушбу мажмуаларда 2 минг 200 нафардан ортиқ ўғил-қизларимиз ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлагани эътиборлидир.

Шу билан бирга, **“Ҳар бир ёшга — бир гектар”** лойиҳаси бўйича барча ҳудудларимизда 65 мингга яқин ёш деҳқонларга 54 минг 232 гектардан зиёд ер ажратилди.

Ана шундай муҳим чора-тадбирлар туфайли сўнгги уч йилда 560 минг 200 нафарга яқин ёш фуқаро иш билан таъминланди.

Бу йил коронавирус пандемияси ҳамда Бухоро ва Сирдарё вилоятларида рўй берган офатлар бутун эл-юртимиз қатори ёшларимиз иродасини ҳам синовдан ўтказди. Ана шундай оғир вазиятларда минг-минглаб ўғил-қизларимиз чинакам мардлик ва жасорат кўрсатиб, барча тенгдошларига ўрнак бўлдилар.

Хусусан, мамлакатимизда ташкил этилган **“Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракатининг** асосий иштирокчилари ҳам ёшларимиз экани, Ҳаракат доирасида Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг 4 минг 500 нафар аъзоси кўнгилли сифатида фаол иш олиб бораётгани таҳсинга лойиқдир.

Сардоба сув омборидаги тошқиндан талафот кўрганларга ёрдам ва кўмак кўрсатиш мақсадида Ёшлар иттифоқининг хайрия карвони ташкил этилиб, аҳолига кийим-кечак, санитария воситалари, озиқ-овқат маҳсулотлари, шунингдек, катта миқдордаги ўқув қуроллари ва спорт анжомлари, бадиий адабиётлар етказиб берилди.

Ўз навбатида, бундай эзгу ишлар Бухоро вилоятининг кучли довулдан зарар кўрган Олот ва Қоракўл туманларида ҳам амалга оширилгани сизларнинг ватанпарварлик ва олижаноблик фазилатларингиздан далолат беради.

Фурсатдан фойдаланиб, оғир синов кунларида халқимизга ҳақиқий таянч ва суянч бўлиб майдонга чиққан Қуролли Кучларимизнинг мард ва матонатли ҳарбий хизматчиларига, жонкуяр шифокорлар, бунёдкор қурувчилар, саховатли тадбиркорларимизга, илм-фан, маданият ва спорт соҳаси вакилларига, Ёшлар иттифоқининг фаол аъзоларига — барча Ўзбекистон ёшларига чин қалбимдан миннатдорлик билдираман.

Ватанимиз, эл-юртимиз сизлар каби фидойи ва жасур фарзандлари билан ҳамиша фахрланади!

Муҳтарам ёш дўстларим!

Бугунги кунда замонавий илм-фан ва юқори технологияларни мукаммал эгаллаш ҳар қандай давлат ва жамият тараққиётининг ҳал қилувчи шартига айланиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Ана шу ҳақиқатни чуқур англаган ҳолда, биз навқирон авлодимизнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан баркамол бўлиб вояга етиши учун бор куч ва имкониятларни сафарбар этмоқдамиз.

Шу мақсадда улуғ алломаларимиз номидаги ихтисослаштирилган мактаблар, Инновацион ривожланиш вазирлиги қошида Ёшлар академияси, Фарғона шаҳрида “Лойиҳалар фабрикаси” фаолияти йўлга қўйилгани, Президент ва ижод мактаблари бўйича дастурларимиз изчил давом эттирилаётгани сизларга яхши маълум.

Иқтидорли ёшларни янада қўллаб-қувватлаш учун ҳар бир ҳудудда Ёшлар технопаркларини барпо этишни бошладик. Умумий қиймати 30 миллиард сўмдан ортиқ бўлган “Ёш олимлар” амалий ва инновацион лойиҳалар танлови эълон қилинди.

Карантин шароитига қарамасдан, 6 миллиондан ортиқ мактаб ўқувчилари, 468 минг талаба ўқув дастурларида белгиланган дарсларни ўз вақтида ва сифатли ўзлаштирди. “Online-maktab” лойиҳаси доирасида 17 та фан бўйича 4 мингдан ортиқ телемашғулотлар ўтказилди. Бу жараёнга энг малакали педагоглар жалб этилди, жумладан, Тошкентдаги Президент мактабининг хорижлик мутахассислари томонидан ҳам маҳорат дарслари олиб борилди. Имконияти чекланган болаларни ўқитишга алоҳида эътибор қаратилиб, барча дарслар сурдопедагог ва сурдотаржимонлар томонидан тушунтириб борилди.

Ўзбекистоннинг бу тажрибаси ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, Жаҳон банки каби халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилмоқда.

Бугунги шиддатли замонда, глобал миқёсда рақобат кучайиб бораётган мураккаб вазиятда юксак интеллектуал салоҳиятга эга кадрларга эҳтиёж ҳар қачонгидан ҳам ортиб бормоқда. Шу боис биз ўз олдимизга қўйган улкан ва масъулиятли вазифалардан келиб чиқиб, мамлакатимиз олий таълим тизимида туб ўзгаришларни амалга оширмоқдамиз.

Жумладан, кейинги уч йилда республикамиздаги олий ўқув юртлари сони 60 фоизга ошиб, 116 тага етди. Улар орасида нуфузли хорижий университетларнинг филиаллари борлиги алоҳида эътиборга лойиқ. Мамлакатимизда олий таълим муассасаларига қабул квоталари сони изчил ошириб борилмоқда. Агар 2016/2017 ўқув йилида бу рақам 58 мингтани ташкил этган бўлса, жорий йилда 150 мингтага етади. Яъни бу йил мактаб битирувчиларининг 25 фоизи олий ўқув юртларида ўқиш имконига эга бўлади. Ҳолбуки, 2017 йилда бу рақам 9 фоизга тенг эди.

Миллат генофондини сақлаш ва давом эттиришнинг муҳим омили бўлган ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш масаласи доимо эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда. Сўнгги уч йилда 2 минг 668 та ёш оилага уй-жой учун 121 миллиард 244 миллион сўм бошланғич тўлов маблағлари 20 йил давомида фоизсиз қайтариш шарти билан тўлаб берилди.

Барчамиз гувоҳмиз — бугун дунё мисли кўрилмаган суръатлар билан кескин ўзгариб бормоқда. Ижтимоий ҳаётимизда кўплаб ижобий жараёнлар билан бирга, ёш авлоднинг қалби ва онгини эгаллашга қаратилган маънавий таҳдидлар ҳам тобора хавфли тус олмоқда.

Бундай мураккаб вазиятда фарзандларимизни зарарли таъсирлардан асраш, доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиб яшаш энг долзарб вазифамиз бўлиб қолмоқда.

Ёшларимизни она Ватанимизга, мустақиллик ғояларига муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг истеъдод ва қобилиятини, эзгу интилишларини рўёбга чиқариш йўлида бошлаган катта ишларимизни бундан буён ҳам қатъият билан давом эттирамиз.

Айни шу мақсадда юртимизнинг барча вилоят ва туманларида, шаҳар ва қишлоқларимизда янги-янги таълим даргоҳлари, маданият ва санъат масканлари, спорт иншоотлари барпо этилиб, ёшлар ихтиёрига берилмоқда.

Шулар қаторида пойтахтимизда бунёд этилган муҳташам Ғалаба боғи, “Шон-шараф” музейи, Тошкент шаҳрининг тарих музейи, бетакрор Адиблар хиёбони фарзандларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Ёшларимизни жисмоний соғлом, маънавий етук инсонлар этиб тарбиялаш учун беш муҳим ташаббус доирасида кўплаб стадионлар, сув ҳавзалари, спорт мажмуалари ва саройлари барпо этилмоқда.

Энг муҳими, фарзандларимиз ўртасида спорт билан мунтазам шуғулланадиган, соғлом турмуш тарзини ўз ҳаётий мақсадига айлантирган йигит-қизлар сафи кенгайиб бормоқда.

Қадрли ватандошлар!

Бугун жонажон Ўзбекистонимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт қуриш йўлида биз бошлаган улкан ишларни давом эттиришга қодир бўлган янги авлод шаклланмоқда.

Азиз ўғил-қизларим, ҳеч қачон унутманг, халқимиз, Ватанимиз сизлардан буюк ишларни кутмоқда.

Шу муқаддас ишонч ва масъулиятни ҳар томонлама оқлаш, унга муносиб бўлиш — дунёдаги энг улуғ бахтдир. Шундай бахт, шундай шараф барчангизга насиб этсин!

Сизларни севимли байрамингиз, азму шижоат, гўзаллик ва камолот айёми — Ёшлар куни билан яна бир бор самимий табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 29 июнь куни Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов билан телефон орқали мулоқот қилди.

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Гурбангули Бердимуҳамедовни таваллуд куни билан самимий табриклаб, унга мустаҳкам соғлиқ, фаровонлик ва катта зафарлар тилади.

Президент Гурбангули Бердимуҳамедов раҳбарлигида замонавий Туркманистон юксак муваффақиятларга эришгани — барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланаётгани, халқаро майдондаги нуфузи муттасил ортиб бораётгани алоҳида қайд этилди.

Телефон мулоқоти чоғида икки томонлама ҳамкорликка доир ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Президентлар Ўзбекистон — Туркманистон дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатлари изчил мустаҳкамланиб бораётганини катта мамнуният билан таъкидладилар.

Ўзаро манфаатли амалий ҳамкорликни, биринчи навбатда, савдо, саноат, энергетика, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва транзит ташувлари, туризм соҳаларида янада кенгайтириш зарурлиги қайд этилди.

Давлат раҳбарлари чегараолди ҳудудлар ўртасидаги фаол алоқаларни давом эттириш, шунингдек, таълим ва маданий-гуманитар алмашинувларни кенгайтириш фикрини қўллаб-қувватладилар.

Икки томонлама Ҳукуматлараро комиссия доирасида ҳамкорлик бўйича қўшма дастур ва лойиҳаларни ишлаб чиқишга келишиб олинди.

Ўзбекистон ва Туркманистон Президентлари коронавирус инфекцияси тарқалишига самарали қарши курашиш мақсадида тегишли идоралар даражасида яқиндан мулоқот ва мувофиқлашувни амалга ошириш муҳим эканини таъкидладилар.

Суҳбат сўнгида давлат раҳбарлари қардош Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасидаги муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш ва мустаҳкамлашда иккала томон ҳам қатъий эканини яна бир бор тасдиқладилар.

Мулоқот ҳар доимгидек самимий ва дўстона руҳда ўтди.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, давлат ва жамият қурилишининг барча соҳаларида коррупциоген омилларга чек қўйишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда.

Давлат органлари зиммасидаги вазифа ва функцияларни бажаришда юзага келадиган коррупцияга оид хавф-хатарларни баҳолаш тизимини такомиллаштириш ҳамда давлат хизматига ҳалоллик стандартларини жорий этиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатда бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва “яширин иқтисодиёт”ни қисқартириш чоралари кўрилмоқда ҳамда “Коррупциясиз соҳа” лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини тубдан ошириш бўйича белгиланган вазифалар коррупция ҳолатларининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, уларни бартараф этишнинг таъсирчан тизимини яратишни тақозо этмоқда. Ушбу ишларга фуқаролик жамияти институтлари ва нодавлат секторнинг бошқа вакилларини ҳам кенг жалб этиш зарурати туғилмоқда.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини изчил рўёбга чиқариш, шунингдек, жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган давлат сиёсатининг самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. **Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги** (кейинги ўринларда — Агентлик) ташкил этилсин.

(Давоми 2-бетда).

30 июнь — Халқаро парламентаризм куни

Парламентаризм – демократик тараққиётнинг асосий омили

Маълумки, дунёда 30 июнь — Халқаро парламентаризм куни сифатида кенг нишонланади. 1889 йили айнан шу санада Парижда Парламентлараро иттифоқ — парламентларнинг глобал ташкилоти тузилган. 2018 йилнинг 22 майида эса БМТ Бош Ассамблеяси сессиясида ушбу кунни Халқаро парламентаризм куни сифатида белгилаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Аслида мазкур сана парламент тизимининг ўрни ва унинг бутун дунё бўйича инсонлар ҳаётини яхшилашдаги ролини эътироф этишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Зеро, халқнинг фикри ҳамда иродасини акс эттирувчи кучли парламентлар демократиянинг асосий омили ва таянчи ҳисобланади.

Давлат қурилиши борасидаги жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, жамиятни демократлаштириш фақат аҳолининг кенг қатламларини турли вакиллик органлари орқали ҳокимиятни амалга оширишга жалб этиш воситасида бажарилади. Шу боис ҳозирги замонда парламентаризм тобора ривож топаётган ҳодиса бўлиб, жамиятни бошқаришнинг прогрессив ва демократик тизими сифатида тавсифланади.

Бугун парламент муассасалари дунёнинг 190 дан ортиқ давлатларида фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг деярли 80 тасида икки палатали, қолганларида эса бир палатали қонун чиқарувчи органлар иш юритади. Бу жуда муҳим, чунки парламент жамиятнинг турли-туман қатламларини яхлит тарзда бирлаштирадиган ва уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ёқлайдиган ягона институтдир. Унинг энг бирламчи вазифаси, шубҳасиз, жамиятдаги турли манфаатларни юрт равнақи йўлида бирлаштиришдан иборат. Бундан ташқари, ривожланган мамлакатларда парламент давлат ва жамиятнинг бошқа институтлари билан турли алоқалар тизимини йўлга қўйиш бўйича муҳим коммуникация воситаси вазифасини ўтаб келаётганидан хабаримиз бор. Содда қилиб айтганда, у давлат ва халқ ўртасидаги ўзига хос кўприк вазифасини ўтайди. Шу жиҳатдан парламентаризмнинг нечоғли равнақ топганлигига қараб, демократик тараққиёт, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинлигига риоя қилиш, умуман олганда эса фуқаролик жамиятининг тараққиёти даражасини белгилаш мумкин бўлади.

2

ИЛҒОР ТАШАББУСЛАР ВА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР

аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади

Халқимиз турмуш фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар замирида, аввало, инсон манфаатлари, одамларни рози қилиш, жамият тараққиётини таъминлаш мақсадлари ётади.

Ушбу эзгу ниятлар рўёбига эса шиддатли замон билан ҳамқадам бўлиш, ҳаёт тарзини янада яхшилашга қаратилган истиқболли ташаббуслар, ғоя ҳамда ишланмаларни дадиллик билан амалга ошириш орқали эришилади.

Акс садо

Бу 26-27 июнь кунлари Президентимизнинг Наманган вилоятига ташрифи давомида ҳудудни янада ривожлантиришга йўналтирилган истиқболли лойиҳалар билан танишуви чоғида ҳам яна бир бор ўз ифодасини топди. Аҳоли билан юзма-юз мулоқотларда билдирилган самимий фикрлар юракларга чўғ ташлади, наманганликларнинг ҳар бирини янгидан-янги ғоялар сари илҳомлантирди, десак, адашмаган бўламиз.

3-бетга қаранг.

ҲАМЖИҲАТЛИК — ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИМИЗ

Қадимдан бир дарёдан сув ичган халқларимизнинг илдизи ҳам туташдир. Биз илоҳий пайғомлар орқали бир-биримизга боғланганимизни дину мазҳабимизнинг ягона эканлиги ифода этади. Қирғизларда “Баҳодир қўшинга бошчилик қилади, донишманд йўл очиб беради”, деган доно нақл бор. Президент Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларининг минтақамиз ҳамжиҳатлиги йўлида олиб бораётган амалий саъй-ҳаракатлари ана шу маънода мақсадларимизни бирлаштириб, келажагимизни таъминлашга хизмат қилади.

Маънавият

Ўзбекистон Марказий Осиё республикалари ўртасида жуғрофий-сиёсий жиҳатдан муҳим ўрин тутгани ҳолда, минтақада мувозанатни сақлаш, барқарорликни таъминлаш, маънавий-маърифий ҳамкорликни кучайтириш борасида амалий жиҳатдан катта қадамлар қўяётгани муқаддас динимизнинг обрў-эътибори юксалиб боришига ҳам хизмат қилаётганини айтиб ўтишни истардим. Исломни халққа “олабўжи” қилиб кўрсатиш учун асрлар давомида ғаразли ниятдаги кучлар тинимсиз ҳаракат қилганлар. Аммо Қуръони карим бизнинг маънавиятимиз ва маърифатимиз эканлиги ҳамиша ўзини оқлаб келган. Минтақа мусулмонлари бошини қовуштириб келган Тошкент бугун ташаббусни яна ўз қўлига қайтариб олгани ҳали жуда кўп хайрли натижалар келтириши, шубҳасиз.

3

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси

ХАЛҚ МАНФААТИ ЙЎЛИДАГИ ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИГА БАРЧА МАСЪУЛ

Мамлакатимизда коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш устувор вазифа этиб белгиланди. Президентимизнинг ушбу йўналишда қабул қилинган бир нечта Фармон ва қарорлари аҳолига ҳар томонлама ёрдам бериш, эҳтиёжманд оилаларни қийин вазиятда қўллаб-қувватлаш, тадбиркорларга турли имтиёз ва енгилликлар беришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Парламент қуйи палатаси депутатларидан иборат ишчи гуруҳ яқинда ҳудудларда бўлиб, мазкур ҳужжатларнинг жойлардаги ижросини ўрганишди. Унинг натижалари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгашининг видеоконференция тарзида ташкил этилган йиғилишларида атрофлича муҳокама қилинмоқда.

Жамғарма маблағлари етарлича ишлатилмаган. Нега?

Шу йилнинг 15 — 22 июнь кунлари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари, “Адолат” СДП фракцияси раҳбари Н. Умаров бошчилигидаги парламент қуйи палатаси депутатларидан иборат ишчи гуруҳ Қорақалпоғистон Республикасида бўлиб, жойларда амалга оширилаётган ишларни ўрганди. Тадбиркорлик субъектлари билан мулоқотлар ўтказилиб, кўтарилган муаммоларни имкон қадар жойида ижобий ҳал қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгаши йиғилишида мазкур ўрганиш натижалари атрофлича кўриб чиқилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Спикери Н. Исмоилов депутатларнинг ҳудудлардаги фаолияти натижаларига тўхталар экан, парламент аъзоларининг аҳоли, тадбиркорлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари билан учрашувлари фуқаролар фаровонлигини ошириш бўйича Президент танлаган йўлга тўлиқ ишонч ва уни қўллаб-қувватлашдан далолат беради, дея таъкидлади.

Қайд этилганидек, Қорақалпоғистон Республикасида фаолият кўрсатаётган барча тадбиркорлик субъектига оғир пандемия шароитида солиқ имтиёзлари беришга жиддий масала сифатида қаралмоқда. Ҳозир ҳудудда жами 1 968 та микрофирма фаолият юритмоқда. Уларга қулайликлар яратиш мақсадида товарлар айланмасидан олинадиган солиқ, мол-мулк солиғи, ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқларни 12 ой давомида тенг улушларда тўлаш шарти билан имтиёзлар берилди.

3

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2020 йил 30 июнь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Белгилаб қўйилсинки, Агентлик:

коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш, давлат органлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа нодавлат сектор вакилларининг биргаликдаги самарали фаолиятини таъминлаш, шунингдек, мазкур соҳадаги халқаро ҳамкорлик учун масъул бўлган махсус ваколатли давлат органи ҳисобланади;

ўз фаолиятини **қонунийлик, холислик, ҳисобдорлик, очиқлик ва шаффофлик принциплари** асосида бошқа давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахсларидан мустақил равишда амалга оширади, **Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсунади** ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари олдида ҳисобдордир;

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган директор томонидан бошқарилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Агентлик директорини лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш тўғрисидаги фармонлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан тасдиқланади.

2. Қуйидагилар Агентликнинг **асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари** этиб белгиласин:

мамлакатда **коррупция ҳолатини тизимли таҳлил қилишни** таъминлаш, шунингдек, коррупцияга оид хавф-хатарлар юқори бўлган соҳалар ҳамда **коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш**;

коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини, шунингдек, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг тизимли сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш ҳамда **коррупцияга қарши курашиш чораларининг самарадорлигини оширишга қаратилган давлат ва бошқа дастурларни шакллантириш ва амалга ошириш**;

фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган комплекс дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш масалаларига оид ахборотларни тарқатиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитишни ташкил этиш орқали **жамиятда коррупциянинг барча кўринишларига муросасиз муносабатни шакллантириш**;

вазирлик ва идораларнинг коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш, давлат органлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа нодавлат сектор вакилларининг ушбу масалалар бўйича биргаликдаги самарали фаолиятини ташкил этиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари ва устав капиталида давлат улуши бўлган корхоналар, шу жумладан, банкларда **коррупцияга қарши ички назорат тизими ("комплаенс-назорат") ҳамда коррупцияга қарши курашишнинг бошқа халқаро воситаларини жорий этиш** ва самарали фаолият кўрсатишини ташкиллаштириш, замонавий усуллар ва ахборот-коммуникация технологиялари асосида коррупцияга қарши мониторинг олиб бориш, шунингдек, **уларнинг мазкур соҳадаги фаолияти бўйича рейтингини** тузиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизаси самарадорлигини таъминлаш, шунингдек, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш, халқаро стандартларни ва илғор хорижий амалиётни жорий этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

давлат хизматчиларининг даромад ва мол-мулкини декларация қилиш тизими жорий этилиши ва самарали фаолият кўрсатишини ҳамда декларацияларнинг ҳаққонийлиги текширилишини ташкил этиш, шунингдек, ушбу жараёнда аниқланган коррупция ҳолатларига ўз вақтида таъсир чоралари кўрилишини таъминлаш;

давлат хизматига ҳалоллик стандарти **("ҳалоллик вакцинаси")** ва **манфаатлар тўқнашувини ҳал этиш** стандартларини жорий этишда кўмаклашиш бўйича таъсирчан чораларни кўриш, шунингдек, уларга риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

бюджет маблағлари, халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг қарзларидан фойдаланиш, давлат активларини реализация қилиш ва **давлат харидлари** соҳасида коррупцияга қарши назорат тизимининг самарадорлигини таҳлил қилиш, шунингдек, уни такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида **халқаро ҳамкорликни ривожлантириш** ҳамда мамлакатнинг имижини мустаҳкамлаш ва унинг **халқаро рейтингларидаги ўрнини ошириш** бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

коррупциянинг ҳолати, тенденциялари ва сабаблари ҳамда коррупцияга қарши чоралар кўришнинг самарадорлиги **юзасидан социологик, илмий ва бошқа тадқиқотларни** ташкил этиш, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг таъсирчанлигини ошириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича фаолиятнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, шу мақсадда оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ва нодавлат секторнинг бошқа вакиллари билан самарали ҳамкорликни амалга ошириш.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ Агентлик:

ҳар йили оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиниши лозим бўлган **Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисида миллий маърузани** тайёрлайди ҳамда уни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига киритади;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг коррупцияга қарши курашишга масъул бўлган қўмиталари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг тегишли қўмитаси, халқ депутатлари вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар Кенгашларининг коррупцияга қарши курашиш комиссиялари билан ҳамкорлик қилади;

коррупцияга оид, биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларига ва халқаро имижига зарар етказувчи **жиноятларни тергов қилиш натижаларини комплекс таҳлил қилади** ҳамда натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ахборот беради;

коррупцияга оид жиноятлар оқибатида жамият ва давлат манфаатларига етказилган **зарар тўлиқ қопланилишига эришиш устидан назоратни** амалга оширади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тизими самарадорлигини таҳлил қилади ва уни такомиллаштириш бўйича таклифлар киритади;

фуқаролик жамияти институтлари билан биргаликда ҳудудлар, иқтисодиёт тармоқлари ва бошқа соҳалар кесимида коррупциянинг даражасини баҳоловчи **Коррупцияни қабул қилиш миллий индексини** тузишни ташкиллаштиради;

давлат харидлари соҳасида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш мақсадида давлат буюртмачиси **ISO 37001 коррупцияга қарши стандартини** қўллашни кўзда тутувчи талабни ўрнатади;

жойларда коррупциянинг олдини олишга қаратилган ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини ташкил этади;

коррупция ҳолатларига доир материалларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларига тақдим этади.

4. Агентликка қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

бюджет маблағларининг сарфланиши, давлат активларининг реализация қилиниши, давлат харидлари, инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши ва давлат дастурлари бажарилиши билан боғлиқ **материалларни талаб қилиш, олиш ва ўрганиш**;

ўз ваколатига тааллуқли масалалар юзасидан ўрнатилган тартибда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупция масалалари бўйича мурожаатларини кўриб чиқиш ҳамда уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича чоралар кўриш;

давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида **коррупция ҳолатини ўрганиш**;

коррупцияга оид жиноятлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, тизимли коррупциянинг ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш мақсадида қонунчилик, шу жумладан, жиноят-процессуал қонунчилигига мувофиқ жиноят ишлари материалларини ўрганиш;

ўрганиш ва бошқа тадбирлар натижалари бўйича тўпланган материалларни **фаолиятида коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик аломатлари бўлган шахсларга нисбатан қонунга мувофиқ чоралар кўриш, жумладан, жиноят ишларини қўзғатиш** учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органларига тақдим этиш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар бўйича **маъмурий суриштирувлар ўтказиш**;

ижро ҳокимияти ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари қарорларида коррупция белгилари аниқланган ҳолларда уларнинг ижросини тўхтатиш ёки бекор қилиш тўғрисида **кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномаларни киритиш**;

давлат органлари, ташкилотлари ва уларнинг мансабдор шахсларига **кўриб чиқилиши мажбурий бўлган** коррупцияга оид ҳуқуқбузарликка йўл қўймаслик тўғрисида **огоҳлантиришлар** ҳамда коррупцияни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўриш тўғрисида **тақдимномалар** киритиш.

Агентликнинг огоҳлантириш, тақдимнома ва мурожаатлари ўн кун ичида **кўриб чиқилиши** ва натижалари юзасидан ёзма ахборот берилиши **шарт**.

5. Белгиласинки:

Агентлик ходимларининг таркиби юриспруденция, иқтисодиёт, молия, солиқ, аудит, ахборот-коммуникация технологиялари ва Агентлик зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа соҳалар бўйича юқори малакали мутахассислар орасидан тўлдирилади;

Агентликнинг ҳужжатлар, материаллар ва бошқа маълумотларни тақдим этиш, тафтиш ва текширишлар ўтказиш, мутахассислар ажратиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисидаги талабларини бажариш давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, уларнинг мансабдор шахслари ва фуқаролар учун мажбурийдир;

Агентлик ходимлари ўз ваколатлари доирасида коррупциянинг сабаб ва шарт-шароитларини ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш мақсадида давлат органлари ва ташкилотлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ушлаб турилганларни ва қамоққа олинганларни сақлаш жойлари, жазони ижро этиш муассасаларига монеликсиз киришга ва ҳужжатлар билан танишишга ҳақли;

коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари мажбурий равишда Агентлик билан келишилиши лозим.

6. Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идораларо комиссияси ва унинг ҳудудий идораларо комиссиялари **Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши** (кейинги ўринларда — Миллий кенгаш) ва унинг ҳудудий кенгашлари этиб қайта ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Агентлик Миллий кенгашнинг ишчи органи этиб белгилансин.

Агентлик Миллий кенгаш фаолиятини самарали ташкилий-услубий қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, иш режаларини ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилиши устидан назорат қилиш, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари билан биргаликда Миллий кенгаш томонидан қабул қилинган қарорларнинг ижросини ташкил этишни таъминласин.

7. Агентлик уч ой муддатда:

Агентликни юқори малакали кадрлар билан, биринчи навбатда, коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалий иш тажрибасига эга ва Агентлик зиммасига юклатилган вазифаларни профессионал даражада бажаришга қодир шахслар орасидан тўлдирилишини;

Агентлик фаолияти ташкил этилишини тартибга солувчи ҳужжатлар пакети, шу жумладан, Агентлик тузилмалари тўғрисида низомлар ва ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари ишлаб чиқилишини таъминласин.

Белгилаб қўйилсинки:

Агентликни ходимлар билан тўлдириш конкурс асосида халқаро стандартларга мувофиқ Агентлик томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилади;

Агентликка биринчи марта ишга қабул қилинадиган ходимлар ишдан ажратилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг назарий ва амалий масалалари, хорижий тажриба ва халқаро стандартларни ўрганишни қамраб олувчи махсус ўқув дастурлари бўйича таълим олади.

8. Агентлик:

а) Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда, шу жумладан, халқаро ташкилотларнинг маблағларини жалб қилган ҳолда, 2020-2021 йилларда барча давлат ва хўжалик бошқаруви органларида коррупцияга қарши ички назорат тизими ("комплаенс-назорат")ни босқичма-босқич жорий этиш чораларини кўрсин;

б) давлат харидлари соҳасида масъулиятни ошириш ва коррупцияни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Бош прокуратураси билан биргаликда уч ой муддатда:

Ўзбекистон Республикасининг "Давлат харидлари тўғрисида"ги Қонуни талабларини, шу жумладан, харид қилиш тартиб-таомиллари турларини белгилаш ва ижрочини танлаш шартларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш;

давлат харидлари доирасида тузилган шартномаларни мажбурий равишда эълон қилиш, шунингдек, давлат харидларини танлов ва тендер савдолари орқали замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда фақат электрон шаклда амалга ошириш тартибини жорий этиш бўйича таклифларни киритсин;

в) Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Марказий банки ва Ҳисоб палатаси билан биргаликда уч ой муддатда, шу жумладан, уй-жой коммунал хўжалиги, сув хўжалиги, қурилиш ва энергетика соҳаларида давлат харидлари, давлат мулкини бошқариш ва ундан фойдаланишда қонун ҳужжатларига риоя этилиши ҳолати бўйича ўрганиш ўтказсин;

г) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан биргаликда доимий асосда давлат харидларида аффилланганлик, шу жумладан, харидлар иштирокчиларининг охирги бенефициар эгаларига тааллуқли манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва олдини олиш чораларини кўриш мақсадида масофавий мониторинг ўтказсин.

9. Агентлик зиммасига:

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари учун коррупцияга қарши курашиш бўйича тармоғининг Истанбул ҳаракатлар дастури доирасидаги ишлар ҳамда ишлаб чиқилган тавсияларнинг амалга оширилишини таъминлаш;

БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси ва Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги бошқа халқаро шартномалари қоидаларининг бажарилиши билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда ушбу йўналишдаги фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича **Ўзбекистон Республикаси миллий координатори** вазифа ва ваколатлари юклатилсин.

10. Агентлик Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Бош прокуратураси билан биргаликда уч ой муддатда:

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги фаолияти, шунингдек, ушбу соҳадаги давлат ва бошқа дастурлар самарадорлигини мониторинг қилиш ҳамда баҳолаш имконини берувчи **"E-Anticor.uz" электрон платформаси**;

коррупция ҳолатлари ҳақида Агентликни хабардор қилиш имконини берувчи **махсус мобиль дастурий таъминот**;

Агентликка давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг маълумотлар базаларидан фойдаланиш имкониятини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ва жорий этилишини таъминласин.

11. Агентлик Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бош прокуратураси ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда, халқаро экспертларни жалб этган ҳолда:

икки ой муддатда — **Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилаш бўйича "Йўл харитаси"** ишлаб чиқилишини ҳамда Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгашига киритилишини;

уч ой муддатда — "**Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш агентлиги тўғрисида"ги, "Давлат хизматчиларининг даромадлари, мол-мулки ва манфаатлар тўқнашувини декларация қилиш тўғрисида"ги, "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида"ги** қонун лойиҳалари ишлаб чиқилишини ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритилишини;

уч ой муддатда — **Коррупцияга қарши курашиш халқаро стандартларини Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига имплементация қилишни давом эттириш бўйича "Йўл харитаси"** ишлаб чиқилишини ҳамда кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун Миллий кенгашга киритилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Агентлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар, шу жумладан, биноларни таъмирлаш, мебель ва бошқа моддий-техник воситалар билан жиҳозлаш учун ўрнатилган тартибда маблағлар ажратиш чораларини кўрсин;

2021 йилдан бошлаб ҳар йили Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети параметрларида алоҳида модда билан Агентлик фаолиятини ҳамда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш чораларини молиялаштириш учун зарур маблағларни назарда тутсин.

13. Вазирлар Маҳкамаси Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда Агентликни жойлаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклиф киритсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардияси Агентлик зиммасига юклатилган вазифаларни амалга оширишда унга ҳар томонлама кўмаклашсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси оммавий ахборот воситаларида мунтазам равишда ушбу Фармоннинг мақсад ва вазифаларини ёритиш бўйича мақолалар чоп этилишини ва тематик телекўрсатувлар бериб борилишини ташкил этсин.

16. Агентлик Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифларни киритсин.

17. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2020 йил 29 июнь

Парламентаризм – демократик тараққиётнинг асосий омили

1

Таъбир жоиз бўлса, бу қоида мамлакатимизда ҳам амал қилиб келмоқда. Давлатимиз раҳбари бу йилги парламентга йўллаган Мурожаатномасида "Янги парламент ва ҳукуматнинг келгуси 5 йилдаги фаолиятининг пировард мақсади — Ўзбекистонда яшаётган кўп миллатли халқимиз ҳаётини юксалтиришдан иборат бўлиши шарт", деганида ана шу халқаро тажрибага ишора қилган эди, десак, айни ҳақиқат. Биргина шу таъкид билан юртимизда парламент, парламентаризмнинг халқ учун нақадар юксак аҳамиятга эга эканлиги кўз олдимизда яққол гавдалантириб берилдики, бу биз, парламент вакилларидан юксак масъулият билан меҳнат қилишни талаб этади. Бинобарин, кейинги фаолиятимизда шу талаб устуворлик қилиб келяпти, десак, муболаға эмас.

Дарҳақиқат, юртимиз парламенти бугун мутлақо янгича шароитларда фаолият олиб бораётир. Яъни бугун даврнинг ўзи бизнинг олдимизга аввал мисли кўрилмаган, лекин парламент функцияларига тўлалигича мос вазифаларни қўя бошлади. Президентимизнинг бу йилги Мурожаатномасида мазкур вазифалар аниқ кўрсатиб берилди. Хусусан, аҳоли томонидан кўтарилган долзарб масалаларни ҳал этиш бўйича аниқ дастур ва "Йўл харитаси"ни ишлаб чиқиш, улар мутасадди идоралар томонидан тўлиқ амалга оширилиши зарурлигини, ушбу йўналишдаги ишларнинг бажарилиши юзасидан парламент назоратини ўрнатишни алоҳида таъкидлади. Шу маънода, Олий Мажлис Сенати ҳудудий вакиллик органи сифатида ўз олдига қўйган вазифаларга алоҳида масъулият билан ёндашиб, уларни ўзининг ваколатлари доирасида ҳал этиб келяпти. Жумладан, ҳар бир сенатор республикамизнинг муайян ҳудудларига бириктирилди, Сенат қўмиталарининг жойлардаги Кенгашларнинг доимий ишлайдиган комиссиялари, уларда фаолият юритаётган депутатлар билан яқиндан ишлаш тизими йўлга қўйилди.

Шу ўринда айтиш жоизки, кейинги йилларда маҳаллий Кенгашларнинг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ижро этувчи ҳокимият идоралари фаолияти устидан назорат ўрнатиш ва одамларни ўйлантираётган муаммоларни ҳал қилиш борасидаги улкан салоҳияти юзага чиқа бошлади. Бу борадаги ишлар, аввало, маҳаллий Кенгашлар депутатларининг билим ва кўникмаси даражасини ошириш мақсадида семинар ва ўқувлар ташкил этишдан бошланди. Бу, ўз навбатида, маҳаллий Кенгашлар фаоллигини тубдан ошириш, уларнинг ваколатларидан кенг фойдаланиш имконини бераётгани билан аҳамиятлидир.

Ҳар бир маҳаллий Кенгашда ўзлари йиғилиб, муаммоларни муҳокама этишлари учун алоҳида "депутатлар хонаси", "сенаторлар хонаси" ташкил этилди, аҳолини қабул қилишлари учун шароитлар яратилди.

Бу жиҳат пандемия даврида янада яққол намоён бўлмоқда. Хусусан, карантин даврида бутун мамлакат бўйлаб кенг қулоч ёзган "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракати доирасида аҳолининг кам таъминланган ва муҳтож қатламларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш жараёнида сенатор ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари янада жипслашди. Улар биргаликда одамлар билан елкама-елка туриб, муҳтожларга ёрдам бермоқда, ажратилган моддий ёрдамлар ўз эгаларига манзилли етиб бориши устидан қатъий назорат ўрнатмоқда.

Қаерда парламент тараққиёт сари дадил одимлайди? Албатта, изланиш, интилиш ва рағбат бўлган жамиятда. Бу жиҳатдан биз ҳар қанча фахрлансак арзийди. Гап шундаки, сўнгги уч йилда Ўзбекистонимиз улкан ислоҳотлар палласига қадам қўйди ҳамда кенг қўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари жадал тус олдики, бу парламент ривожига ҳам таъсир қилмасдан қолмади. Жамиятдаги ҳар бир янгиланиш, ўз навбатида, парламентаризм йўналишидаги имкониятларимизни очиб юборди. Хусусан, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг том маънодаги мустақиллиги таъминланди, парламентнинг ваколатлари кенгайтирилиб, унинг зиммасига юклатилган вазифалар аъло даражада бажарилиши учун шарт-шароитлар яратилди. Натижада эса Олий Мажлис Сенати фаолияти сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.

Қонунларни қабул қилмасдан олдин маҳаллий Кенгашларда муҳокама этиш амалиёти йўлга қўйилди. Ҳудудлар манфаатларининг қонунларда акс эттирилиши, қабул қилинган Президент Фармон ва қарорлари, Ҳукумат қарорлари, "Йўл хариталари"нинг бажарилиши ҳолати юзасидан давлат идоралари, маҳаллий ҳокимиятлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш жорий этилди.

Бугун парламентимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадлари доирасидаги вазифалар бажарилишини таъминлашга ҳам қатъий бел боғлаган. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Барқарор ривожлантириш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларнинг 2030 йилгача бўлган даврда амалга оширилишини назорат қилиш бўйича Парламент комиссияси тузилди.

Ушбу янги тузилманинг асосий вазифаларидан бири — Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда ижро ҳокимияти фаолиятининг самарадорлигини ошириш, ушбу мақсадлар ҳар бир ҳудудда бажарилишини таъминлашдан иборат. Бу йўлда Парламент комиссияси Ҳукумат ҳузуридаги Мувофиқлаштирувчи кенгаш фаолиятини қўллаб-қувватлайди, назорат қилади ва унга кўмаклашади. Шуниси эътиборлики, Сенат томонидан Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш йўлида юқорида айтганимиз — халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари салоҳиятидан кенг фойдаланиляпти. Шу мақсадда улар сенаторлар раҳбарлигида ҳар бир мақсад бўйича қабул қилинган ҳужжатларнинг жойларда бажарилишини ўрганиб бормоқда, юзага келган муаммоларни амалий ҳал этиш чораларини кўрмоқдалар. Агар ушбу муаммоларни маҳаллий ёки ҳудудий даражада ҳал қилиш имкони бўлмаса, улар Сенатга олиб чиқилмоқда. Айнан шу каби саъй-ҳаракатларимиз юқори палата обрўсининг юксалишига, халқимизнинг унга бўлган ишончининг тобора ортиб боришига хизмат қилади, деган ниятдамиз.

Мунтазам равишда парламент ва жамоатчилик эшитувлари ташкил этилмоқда. Олдимизга қўйилган вазифаларнинг ҳар бири ижроси юзасидан аниқ манзилли чора-тадбирлар амалга ошириляпти, мавжуд муаммоларнинг ечими юзасидан Сенатнинг тегишли қарорлари ишлаб чиқилиб, Ҳукумат олдига тегишли вазифалар қўйилмоқда. Албатта, бу интилишлар ҳам ўз самарасини бермасдан қолмаяпти. Яъни жойларда йиллар давомида йиғилиб қолган муаммолар бирин-кетин ҳал этилмоқда.

Шундай қилиб, бугунги кунда мамлакатимиз парламенти фаолияти давлатимиз ва жамиятимиз учун муҳим бўлган барча йўналишда изчил ривожланмоқда. Буни парламент қошидаги турли тузилма ва институтлар фаолияти кейинги йилларда сезиларли даражада ошгани мисолида ҳам кўриш қийин эмас. Бугун улар ишида самара яққолроқ сезилмоқда. Улардан бири — Одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси. Унинг Халқаро меҳнат ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотлар билан самарали ҳамкорлиги натижасида мамлакатимизда болалар меҳнатига ва тизимли мажбурий меҳнатга барҳам берилди, одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар йилдан-йилга камайиб бормоқда.

Бу ҳолат дунё миқёсида ҳам тан олинаётгани алоҳида эътиборга молик. Хусусан, АҚШ Давлат котиби Майкл Помпеонинг яқинда эълон қилинган одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашишга бағишланган йиллик ҳисоботида "Марказий Осиёнинг баъзи мамлакатлари одамларни пахта саноати ва бошқа соҳаларда ишлашга мажбурлаш бўйича узоқ тарихга эга. Ўзбекистоннинг саъй-ҳаракатлари минтақа давлатлари учун ушбу муаммога қарши курашнинг янги стандартларини намойиш этмоқда", деган эътирофи, албатта, ҳар бир ўзбек фарзандини қувонтиради. Бу эса, ўз-ўзидан, давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган изчил саъй-ҳаракатлар ва шу янгиланишларга камарбста бўлиб келаётган парламентимизнинг ҳам ютуғидир.

Ўзбекистонда парламентаризмни ривожлантириш соҳасида эришилган натижалар хусусида тўхталар эканмиз, хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласини четлаб ўта олмаймиз. Чунки бу йўналишдаги ютуқларимиз мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида муҳим аҳамият касб этади. Зеро, аёллар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, гендер тенгликни таъминлаш республикамиз сиёсатидаги муҳим йўналишлардан бири саналади. Шундан келиб чиқиб, хотин-қизларнинг қонун ижодкорлиги ва бошқарув қарорларини қабул қилишдаги иштирокини таъминлашга катта эътибор қаратила бошланди. Жумладан, бу борада Олий Мажлис Сенатида гендер комиссияси ҳамда Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари бўйича қўмита фаолияти йўлга қўйилди. Ўтган йилда парламентимиз томонидан иккита муҳим ҳужжат, яъни "Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида" ҳамда "Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинди. Гендер тенгликни таъминлаш юзасидан миллий стратегия ишлаб чиқилди.

Давлат миқёсида қарорлар қабул қилиш жараёнида аёлларнинг иштирокини кучайтириш, уларнинг депутат, сенатор, вазир, ҳоким ва элчи каби масъулиятли лавозимларга сайланиши ва тасдиқланиши ҳам мамлакатимизда хотин-қизларга кўрсатилаётган юксак эътибор намунасидир.

Ўзбекистонда парламентаризм тараққиётининг яна бир йўналиши — олий қонун чиқарувчи органнинг давлатимизнинг барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш ва халқаро майдондаги нуфузини яхшилашдаги иштирокини кучайтиришдан иборат. Айнан шунинг учун давлатимиз раҳбари Фармони билан парламент раҳбарлигида Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгаши ташкил этилди. Бу фаолиятимиздаги янги ва ниҳоятда долзарб йўналиш. Мазкур кенгашнинг асосий вазифаси мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий тараққиёт даражасини тизимли таҳлил қилиб бориш орқали Ўзбекистоннинг Халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини янада яхшилашдан иборат. Бунда асосий эътибор қуйи бўғинларга қаратилади. Яъни рейтингларга таъсир қилаётган сабаб ва омиллар вилоят, туман ва лозим бўлса маҳалла даражасида ўрганилади ҳамда бартараф этиш чоралари излаб топилади.

Бу масалада ҳам маҳаллий Кенгашлар билан ҳамкорликнинг ўрни катта. Биз халқаро рейтинг ва индексларда республикамизга берилган баҳо, бу — ҳудудларга берилган баҳо, деб қарашга ўрганяпмиз.

Демак, Кенгашнинг асосий вазифаси — нафақат мамлакат миқёсида, балки 14 та ҳудуд ва барча тармоқда мазкур йўналишда олиб борилаётган ишлар самарадорлигини таъминлашдан иборатдир.

Умуман, бугунги кунда парламентаризмни ривожлантириш ўта долзарб аҳамиятга эга. Негаки, инсоният дуч келаётган мисли кўрилмаган хатарлар олдида, аввало, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, демократияни башарият тараққиётининг асоси сифатида қўллаб-қувватлаш вазифалари тобора янгича мазмунмоҳият касб этиб бормоқда. Демак, республикамизда бу йўналишдаги ишларни изчил давом эттириш орқали олдимизга қўйилган улкан мақсадларга эришамиз. Муҳими, бизга умид билан қараб турган юртдошларимизнинг олдида юзимиз ёруғ бўлади.

Танзила НОРБОЕВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси.

ХАЛҚ МАНФААТИ ЙЎЛИДАГИ ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИГА БАРЧА МАСЪУЛ

1 Бундан ташқари, 11 932 нафар якка тартибдаги тадбиркор учун 2020 йилнинг 1 апрелидан то 1 октябргача бўлган даврда ижтимоий солиқнинг кескин камайтирилиши натижасида жами 7 492,6 миллион сўм маблағ ҳам тадбиркорлар ихтиёрида қоладиган бўлди.

Йиғилишда амалга оширилаётган ишлар билан бир қаторда, мавжуд имкониятлардан суст фойдаланиш ҳоллари ҳам кузатилаётгани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 18 майдаги “Томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан, 20 майдан бошлаб енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 бараваригача субсидиялар ажратилиши белгиланган бўлса-да, ҳозиргача шунча миқдорда субсидиялар ажратилмаган. Бундан ташқари, “Саховат ва кўмак” жамғармаси тўланган ҳомийлик маблағлари миқдори 6,5 миллиард сўмдан ошган бўлишига қарамай, бугунги кунда жамғарма ҳисобидаги ушбу маблағлар етарлича ишлатилмай қолаётганини сира оқлаб бўлмайди. Депутатлар ишчи гуруҳи томонидан ушбу маблағларни эҳтиёжманд оилаларга тизимли равишда ажратилишини таъминлаш таклифи илгари сурилди.

Ўтказилган ўрганишлар шуниси билан ибратлики, жойлардаги учрашувлар давомида вазирлик ҳамда идоралар вакиллари, тадбиркорлар ва аҳоли томонидан қонунчиликни такомиллаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда камбағалликни қисқартиришга ёрдам бериши мумкин бўлган бир қатор амалий таклифлар берилди. Улар келгусида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгаши аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси ва унинг ўринбосарлари, маҳаллий Кенгаш депутатлари томонидан ўрганиладиган ҳамда амалга ошириладиган ишлар мавзусига айланади.

Тадбиркорликда ечимини кутаётган масалалар ҳам бор

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгаши йиғилишида шу йил 15 — 20 июнь кунлари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Б. Алихонов бошчилигидаги парламент қуйи палатаси депутатларидан таркиб топган ишчи гуруҳининг Жиззах вилоятида олиб борган ўрганишлари натижалари ҳам қизғин муҳокама этилди.

Йиғилишда Жиззах вилояти ҳокими ва секторлар раҳбарлари онлайн тарзда масофадан иштирок этди.

Ўрганишда, аввало, коронавирус пандемияси даврида тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича берилаётган имтиёзлар ва енгилликларнинг қўлланилиши, ҳудудларда камбағалликни қисқартириш ҳамда аҳоли бандлиги таъминланиши, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини ошириш бўйича амалга оширилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратилди.

Таъкидланганидек, 2020 йилнинг 1 июнидан то 1 сентябргача бўлган даврда кичик тадбиркорлик субъектлари мол-мулк солиғи ва ер солиғидан озод этилиши ҳисобига жами 8,3 миллиард сўм тадбиркорлар ихтиёрида қолдирилган. Шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларнинг 2020 йил 15 май ҳолатига ер солиғи ва мол-мулк солиғидан жами 3,4 миллиард сўмлик ҳосил бўлган пеня ва жарималар ҳисобдан чиқарилган.

Эътиборлиси, коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш даврида асосий даромад манбаларини йўқотган шахсларни, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари ва тадбиркорлик субъектларини қўшимча қўллаб-қувватлашни таъминлаш борасида қатор ижобий ишлар амалга оширилган.

Хусусан, Жиззах вилояти бўйича 1 июнь ҳолатига жами нафақа ва моддий ёрдам олувчи оилалар 42 889 та бўлиб, уларга январь — май ойларида 61 284,7 миллион сўм нафақа ҳамда моддий ёрдам пуллари тўланган. Шундан апрель — июнь ойларида муддати тугайдиган нафақаларни танаффуссиз давом эттириш бўйича 14 ёшгача болалари бўлган 6 738 нафар, боласи 2 ёшга тўлгунга қадар бола парваришлаш учун 3 237 нафар онага ва 1 975 нафар кам таъминланган оилага жами 8 307,5 миллион сўм қўшимча маблағлар тўлаб берилган.

Ўрганишлар жараёнида бир нечта эҳтиёжманд оилалар берилган имтиёзлардан тўғри фойдаланиши ҳисобига камбағалликдан чиқарилганлиги аниқланди. Ана шундай фуқаролардан бири Зафаробод туманидаги Охунбобоев қишлоғида яшовчи Гулноза Бурхонова 11 миллион сўмлик имтиёзли кредит ҳисобига қуёнчиликни ривожлантириш йўналишида оилавий тадбиркорликни йўлга қўйган ва қуён гўштини сотиш орқали оилавий даромадини кўпайтиришга муваффақ бўлган.

Ҳозирги кунда вилоятда қатор ютуқларга эришилган бўлса-да, секторлар томонидан айрим камчиликларга йўл қўйилганлиги ҳам аниқланди. Жумладан, Дўстлик туманида ташкил этилган технопарк фаолияти тўғри йўлга қўйилмаган. Технопарк жойлашган ҳудуднинг санитар-гигиена ҳолати ачинарли тус олган.

Жиззах шаҳридаги “ADM JIZZAKH” МЧЖнинг “Енгил автомобиллар ишлаб чиқариш” лойиҳаси жорий йилнинг октябрь ойида ишга туширилиши режалаштирилган бўлиб, бугунги кунда лойиҳа ташаббускорлари томонидан қурилиш ишлари бошлаб юборилган. Аммо корхонани муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш масаласи ҳал этилмаган.

Тадбиркорлар яратилаётган имкониятлардан фойдалана олмаётган ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Масалан, банкдан ўз вақтида кредит ажратилмагани сабабли шифер ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган Зарбдор туманидаги “BO‘STON STROY SHIFER” МЧЖ айни пайтда ўз фаолиятини тўхтатган.

Ғаллаорол туманидаги “Калий фосфат” МЧЖ калий сульфат маҳсулоти ишлаб чиқаришни йўлга қўйган бўлса-да, корхонага олиб борувчи йўл инфратузилмаси талабга жавоб бермаслиги тадбиркорнинг фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Кенгаш йиғилишида ўрганишлар жараёнида аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли сектор раҳбарларига таклиф ҳамда тавсиялар берилди.

Йиғилишлар якунида муҳокама этилган масалалар юзасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгашининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ҲАМЖИҲАТЛИК — ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИМИЗ

1 Юртбошиларимиз Сооронбай Шарипович ва Шавкат Миромонович Жаноби Олийлари томонидан халқларимиз бирлиги мақсадида олиб борилаётган сиёсат буюк аждодларимиз орзулари рўёбига хизмат қилмоқда.

Қирғизистоннинг Чуй вилоятига қарашли Тўқмоқ шаҳрида таваллуд топиб, Тошкентда вафот этган ҳамда “Шайх Зайниддин бобо” қабристонига дафн этилган дин ва давлат арбоби, етук олим, моҳир таржимон Алихонтўра Соғуний ҳазратлари ислом динининг ўлкамизда мустаҳкамланишига беқиёс ҳисса қўшган эди. У киши ҳам Туркистон бирлиги учун кураш олиб боргани боис халқларимиз тарихида яхши ном қолдирган.

Алихонтўра Соғуний ҳазратлари ўз асарларида Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг айтган сўзлари, қилган ишлари саодат ўлчови эканини бир қанча ўринларда келтириб ўтган.

Илгари муфтиятимиз битта эди. Тошкент, Бухоро сингари шаҳарлар бизнинг ота-боболаримиз учун ҳам маърифат ва маънавият ўчоғи бўлган, шу ердаги мадрасаларда улар исломга оид таълим олганлар. Эндиликда биз ўз мамлакатимизда диний таълим муассасалари очишни режалаштирар эканмиз, албатта, ўзбек заминидаги ўқув даргоҳлари билан ҳамкорлик қиламиз, деган умиддамиз. Азалий диний тажрибалар, юксак илмий салоҳият бизнинг бу борада фаолиятимизни тўғри йўлга қўйишда беқиёс аҳамият касб этади.

Муфтиятимиз ажралиб кетганидан сўнг ўзаро маслаҳатлашиб туришлар ҳам камайиб қолган эди, аммо бугунги кунда Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийлари илгари сурган “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” тамойили диний соҳада ҳам ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Муҳтарам Сооронбай Жээнбеков: “Мовароуннаҳр халқига сингиб кетган анъанавий динни, яъни Ҳанафий мазҳаби ва Мотуридий ақидасининг асосини халқимизга етказмоғимиз лозим”, деганидек, биз қардош қўшнилар исломнинг асл моҳиятини халқларимизга тўғри етказишимиз кераклигини даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Бу борада барчамиз ҳамжиҳат бўлишимиз ва бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишимиз лозим.

Бугун ҳамкорлигимиз янги босқичга кўтарилди. Диний байрамлар саналари бўйича фарқлар бартараф этилиб, умумийликка эришилмоқда. Фуқароларимизга икки мамлакат ҳудудида жойлашган маданий-тарихий қадамжоларни зиёрат қилиш имкони тақдим қилинган.

Ислом маърифати ва маънавиятига улкан ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг жаҳон тамаддуни тараққиётидаги мислсиз ҳиссаларини ўрганиш ва оммалаштириш глобаллашув жараёнида халқларимиз учун жуда муҳим. Улуғ қирғиз ёзувчиси, ўзбек халқининг дўсти Чингиз Айтматов ўз асарларининг бирида “манқурт” деган тушунчани изоҳлаб, бошига туя териси қопланиши оқибатида хотирасидан мосуво бўлган инсон фожиасини кўрсатиб берган эди. Ҳозирги замонавий дунёда ислом дини хотирасини сақлаб қолиш бизнинг маънавий ютуғимиз, инсоний бахтимиз ҳисобланади.

Тошкент шаҳрида Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларига эҳтиром кўрсатиш мақсадида мажмуа бунёд этилганидан бутун ислом олами хабар топиб, бу хайрли иш бошида турганлар шарафига дуолар ўқишди. Шайх ҳазратлари ўтган асрнинг саксонинчи йиллари охирида, жуда мураккаб бир даврда Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний идораси раиси, муфтий сифатида минтақамизда исломий илмлар, диний қадрият ҳамда анъаналари қайта тиклаш йўлида катта куч-ғайрат сарфлаган эди. Собиқ иттифоқ Олий кенгаши депутати сифатида мусулмонларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, улар учун зарур шароитлар яратиш масалаларини кўтариб чиққанди. Бунинг натижасида шўро ҳукуматининг мусулмонларга нисбатан сиёсати ўзгарган, масжид ва мадрасалар очилган, ҳаж зиёратига борувчилар кўпайгани ҳам сир эмас. Аллоҳ рози бўлсин, минтақамиз мусулмонлари қаторида биз ҳам у кишидан ҳар қанча миннатдор бўлсак арзийди.

“Якка отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донғи чиқмас”, деган мақолни етти яшардан етмиш яшаргача ўзбек ҳам, қирғиз ҳам яхши билади. Халқларимизнинг асрлар давомида орттирган тажрибаси натижаси ўлароқ лўнда қилиб айтилган бу доно сўзлар исботини бугунги кунда турли давлатлар бошига тушаётган муаммолар ҳам кўрсатиб турибди. Узоқ йиллик тарихи давомида ўзаро ҳамжиҳатликни халқларимиз ҳамиша қўллаб-қувватлаб келган, аммо уларнинг соддадилликлари, очиқ кўнгилликларидан айримлар фойдаланиб қолишган. Шу сабабли энди қўшқанот бўлиб, биргаликда иш юритишимиз, барча муаммони очиқ муҳокама қилган ҳолда ҳал этишимиз ҳар қачонгидан ҳам зарур.

Яқинда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов ва Дин ишлари бўйича қўмита раиси Абдуғофур Аҳмедов бошчилигидаги Ўзбекистон делегациясининг Қирғизистонга сафари ана шу эзгу мақсад йўлидаги муҳим тадбирлардан бири бўлди. Ўзбекистонлик меҳмонлар Боткен шаҳрида “Диний ва миллий муносабатлар уйғунлиги ҳамда ўзаро ҳамжиҳатликнинг долзарб масалалари” мавзуидаги семинарда иштирок этдилар. Чашма қишлоғи аҳолиси билан учрашиб, маърифий суҳбатлар ўтказдилар. Учрашувда муфтий Усмонхон Алимов икки қардош халқ ўртасидаги кўп асрлик дўстлик, яхши қўшничилик муносабатлари йилдан-йилга ривож топиб бораётгани, муборак динимизда қўшничилик ришталарига алоҳида эътибор берилгани ҳамда қўшнига яхшилик қилиш ҳақида кўплаб тавсиялар келгани ҳақида Қуръони карим оятлари ва ҳадиси шарифлар асосида баён қилиб бердилар.

Дарҳақиқат, Қуръони каримни маҳкам тутсак, мусулмон, мўмин эканлигимизни унутмасак, халқларимиз ўртасидаги ҳамжиҳатлик мустаҳкам бўлади, орамизга бегона кучлар киролмайди. Ислом дини тинчликка, маърифатга ва маънан юксалишга даъват этади.

Диний идораларимиз ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланиши халқларимизни мамнун қилади, оддий одамларнинг бугунги ҳаётидан рози бўлиб яшашларига ҳисса қўшади. Оддий одамлар розилигига эришиш Яратган розилигига сабабчи бўлса, ажаб эмас. Шу йўлда камарбаста бўлиб хизмат қилиш ҳар биримизга саодат бахш этади.

Барчага Аллоҳ розилигини тилайман!

Мақсадбек ТОКТАМУШЕВ,
Қирғизистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий.

ИЛҒОР ТАШАББУСЛАР ВА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР

аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади

Бу жойлар ҳали бир ажойиб боғлар бўлади

Ерни ардоқлаб, ундан ризқ-рўз ундириш бизга ота мерос. Бироқ яқин ўтмишда элни боқиб келган заминга меҳр ва эътибор бирмунча сусайди. Айрим жойларда қаровсизликдан экинзорлар бўш қолиб, ҳатто, қуруқ чўлга айлангани ҳам бор гап.

Масалан, бизнинг қишлоғимизда ҳам бундан қирқ йиллар аввал фойдаланишдан чиқиб қолган каттагина майдонлар яқин-яқингача деҳқон кетмонини соғиниб, “оғир-оғир нафас олаётган” эди. Кўпчилик билан маслаҳатлашиб майдонни ҳаётга қайтаришга қўл урдик. Вақти-соати шу йил экан. Баҳорнинг илк кунларида бошлаган ҳаракатимиз давлатимизнинг қўллаб-қувватлаши, Чодакнинг кўпни кўрган инсонлари дуоси билан қарши олинди.

Мева-сабзавотчилик кластерини ташкил этиш бўйича тайёрлаган лойиҳамиз ижроси учун 1 минг 885 гектар ўзлаштириладиган ер ажратилган. Дастлабки босқичда 235 гектарини экинзорга айлантирдик. Ўрик, гилос, кўчатлари ўтқазилди, бир ёни каттагина узумзор бўлади. Испаниядан олиб келинган ўрик ниҳоллари анча баравж экан.

Икки ой ўтар-ўтмас нишона кўрсатди. Мева кўчатлари ҳосилга киргунга қадар бўш турмасин, деб қатор ораларига қовун-тарвуз уруғини қадагандик. Гектаридан 100 тоннагача етказиб ҳосил йиғиб оляпмиз. Одамлар бор-йўғи уч ой ичида чўлни яхшигина экинзорга айлантира олганимизга рости ҳайрон қолишди. Бу деҳқончиликка илмий асосда ёндашганимиз, инновация ютуқлари шарофати, деса тўғри бўлади.

Мисол учун, оддий суғориш усули билан, айниқса, чўл шароитида бундай натижага эришиш қийин. 180 метр чуқурликкача қазилган 4 та қудуқ ёрдамида томчилатиб суғоришни қўлладик. Жараён тўла компьютер орқали бошқарилиб, махсус чиплар ерда намлик камайиши билан бошқарув марказига хабар юборади ва тизим ишга тушади. Ҳароратни эса замонавий метеостанция мунтазам кузатиб боради.

Ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши билан танишиш учун вилоятимизга ташриф буюрган давлатимиз раҳбари лойиҳамиз ва унинг дастлабки натижаларига яхши баҳо бердилар. Президентимиз мева-сабзавотчилик кластерини ташкил этиш орқали ҳосилни ўзимизда қайта ишлаш ва асосий қисмини экспортга чиқариш бўйича бизнес режаларимиз, боғдорчилик ишларига илм-фанни кенг жорий қилганимизни қўллаб-қувватлаб, яна 10 та қудуқ қазиш, бунинг учун етарли миқдорда субсидия ажратиш топшириғини бердилар.

Ҳозирги кунга қадар лойиҳа ижроси учун 18 минг АҚШ долларидан кўпроқ сармоя йўналтирдик. 35 нафар доимий, 200 нафарга яқин мавсумий ишчилар меҳнат қиляпти. Кейинги йили махсус омборлар, мевани қайта ишлаш цехи қурилиши билан улар сони 350 кишига етади. Маҳсулот экспорти эса йилига 10 миллион долларгача ортади. Шуларни ҳаёлимдан ўтказар эканман, бу боғлар ҳали бир ажойиб боғ бўлади, дейман ўзимга-ўзим. Улар юртимизни янада яшнатади, саховати билан минглаб оилалар рўзғори, эл дастурхонига барака киритади.

Нурали АБДУЛЛАЕВ,
Поп туманидаги «Нуран уз» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси.

Ихчам иссиқхоналар — камбағал оилаларга мадад

Кейинги пайтларда юртимизда камбағал оилалар ҳақида очиқ гапирилиб, улар иқтисодий аҳволини яхшилашнинг амалий тадбирларига киришилди.

Маълумотларга қараганда, туманимизда ана шу тоифага мансуб 1668 та хонадон “темир дафтар”га тушган. Улар орасида ўзига мос иш қидириб юрган ёшлар ҳам анчагина.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ишлаб чиқилган “Бир жойда минг оила иссиқхонаси” биз сингари доимий даромад манбаига эга бўлмаган фуқароларнинг жонига оро кирди. Туманимиздаги “Баланд адир” даҳасида бошланган хайрли иш жуда тез фурсатда натижасини кўрсатди. Бугун 2 сотихли ихчам иссиқхоналарнинг 800 таси ўз эгаларига топширилган. Мен ҳам уларнинг бирида деҳқончиликни йўлга қўйдим.

Камбағалликни бартараф этишга хизмат қиладиган ихчам иссиқхоналарнинг афзаллиги нимада? Энг аввало, ҳар бирининг қиймати 13 миллион сўмга борадиган бу қурилмалар бўлажак эгаларига 50 фоизлик субсидия ва шунга тенг имтиёзли кредит асосида тақдим этилганида.

Аввалига кўплар қатори мен ҳам кредитни қандай қилиб узаман, деган хаёлга боргандим. Мутахассислар ҳисоб-китоб қилиб беришди. Йил давомида деҳқончилик қилса бўладиган шароитда уч марта ҳосил етиштирса бўларкан. Агар помидор ёки бодринг етиштирадиган бўлсам 6,3 миллион сўм қарзимни ёпиш учун икки ҳосилнинг ўзи кифоя қилади.

Лойиҳа ижроси бошида турган “Golden Nuts Namangan” масъулияти чекланган жамияти оёққа туриб олгунимизга қадар экин экишдан тортиб тайёр маҳсулотни сотишгача бўлган жараёнда кўмак беришни ўз зиммасига олгани кўнглимиздагидай иш бўлди. Томорқа маҳсулотларини консервалаш ва экспорт қилишга ихтисослаштирилган корхона барчамизни помидор, бодринг, булғор қалампири кўчатлари билан таъминлади.

Бозорга чиқиш учун ҳам ҳожат қолмайди. Ҳосил етилиши билан қайта ишловчиларнинг ўзлари қабул қилиб, ҳақини тўлашар экан. Энди айтингчи, ким қарз бериб уни узишнинг йўл-йўриқларигача кўрсатиб туради ёки деҳқончилигингизда доимий ёрдамчи бўла олади?

Чортоқда вужудга келган янги иссиқхоналар мажмуаси кўпчиликка намуна қилиб кўрсатса арзийдиган иш бўлди. Бизнес режага кўра, бу ерда йилига 7 минг тоннадан зиёд қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилади. Ёпиқ томорқа деҳқончилиги инновацион технология асосида олиб борилади.

Масалан, экинларни суғориш томчилатиш усулида амалга оширилади. Бошқа агротехник тадбирлар, яъни иссиқхонани юритишнинг ўзига хос тадбирларини шу жойнинг ўзида ташкил этилган дарсхонада обдан тушунтирилади. Кўчма лаборатория эса тупроқ таркибини таҳлил қилиб, озиқлантириш ишларини тўғри олиб бориш бўйича хулосасини бериб боряпти.

Шундай қилиб, туманимиздаги камбағал оилалар рўйхати биргина лойиҳа ижроси билан 624 тага камайди. Яқин кунларда яна 200 оила ўз иссиқхонасига эга бўлади. Бу ердаги ишларга Президентимиз юқори баҳо бериб, бошқа туманларда ҳам шу сингари 10 мингта кичик иссиқхона қуриш топшириғини бердилар. Демак, шунча оила даромад манбаига эга бўлади, турмушига барака инади.

Дилафруз ҒАФФОРОВА,
оилавий тадбиркор.

Ҳудудларни ихтисослаштириш — муваффақият калити

Иқтисодиёт ёки ижтимоий соҳанинг қайси бир жабҳасини олмайлик, мукаммал ихтисослаштиришсиз юқори самарадорликка эришиш қийин. Айни омил Ўзбекистон тараққиётнинг янги даврига қадам қўйган бугунги кунларда янада муҳим аҳамиятга эга.

Муносабат

Президентимиз Наманган вилоятига ташрифи чоғида ҳудуднинг аграр соҳасини ривожлантиришга доир лойиҳалар билан танишар экан, қишлоқ хўжалиги тараққиётига янгича ёндашув зарурлигини таъкидлаб, бир қатор туманларни мева-сабзавотчиликка ихтисослаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Бу бежиз эмас. Чунки Янгиқўрғон, Чортоқ, Косонсой сингари туманлар иқлими, тупроқ шароити ва суғориш имкониятлари билан кўпроқ боғдорчилик, сабзавот экинлари етиштиришга қулай эканлиги йиллар тажрибасида ўз исботини топган.

Ўзим янгиқўрғонликман, ота-боболарим боғбон ўтган. Бироқ шундай пайтлар бўлдики, бизнинг ерларда ҳам пахта етиштириш сиёсати олдинги ўринга чиқди. Тўғри, сув тақчил, вегетация даври қисқа бўлган ерларимизда бу экиндан етарли ҳосил олишнинг имкони бўлмади. Баъзан йиғиб олинган пахта даромади уруғлик ва бошқа харажатларни қоплашга етмаган пайтлар ҳам бўлди. Давр ўзгариши билан яна боғимизга ҳаёт қайтди. Эски мевазорлар янгиланиши баробарида, замонавий интенсив боғлар ташкил этишга эътибор кучайтирилди. Бу, ўз навбатида, соҳани ривожлантиришнинг янги имкониятларини очди, ҳосилни етиштирибгина қолмасдан, уни сақлаш, қайта ишлаш ва экспортга йўналтириш билан боғлиқ вазифаларни олдимизга қўйди. Табиийки, ушбу вазифаларни йирик ҳажмли замонавий музлаткичли омборлар, табиий шарбат тайёрлаш, консервалаш, қуритиш технологияларисиз тўла-тўкис бажариш қийин. Айтмоқчиманки, бир-бири билан боғлиқ бу жараённи мукаммал ташкил этишнинг ишончли йўли — ихтисослаштириш.

Масаланинг яна бир жиҳати, айни йўналишдаги лойиҳалар ижроси билан қишлоққа саноат кириб боради. Янги ташкил этиладиган корхоналарда вужудга келадиган иш ўринлари билан бандлик муаммосини сезиларли даражада юмшатиш мумкин. Қолаверса, Янгиқўрғон туманининг мева-сабзавотчиликка ихтисослаштирилиши яна бир истиқболли соҳа — зироат туризмига йўл очади. Хориждан келган сайёҳлар, масалан, машҳур Наманган олмаси, қуёшли юртимизнинг бошқа тотли неъматлари қандай етиштирилишини ўз кўзлари билан кўриш имкониятига эга бўладилар. Бу борада ҳозирдан дастлабки қадамлар ташланиб, тоғлар этагидаги Нанай ва унга ёндош қишлоқларда меҳмон уйлари барпо этилиб, туристик зоналар ташкил қилишга киришилганлиги қувонарлидир.

Бинобарин, ихтисослаштириш масаласида тезкорлик билан бажарилиши зарур бўлган ишлар кўлами катта. Жойларда уларни тарғиб қилиш ва ташкил этишда биз, сенаторлар зиммасига ҳам масъулиятли вазифалар юкланган бўлиб, қайноқ жараёнларда фаол қатнашамиз.

Икромхон НАЖМИДДИНОВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Маънавий юксалиш сари муҳим қадам

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Наманган вилоятига ташрифи ҳудудда амалга оширилган ижтимоий, иқтисодий ислоҳотлар, йирик лойиҳалар, бунёдкорлик ишларининг ўзига хос сарҳисоби сифатида тарихий воқеа бўлди.

Депутат фикри

Ишлаб чиқариш корхоналарида, дала ва боғларда, маҳаллаларда ўтказилган мулоқотларда мавжуд кенг имкониятлардан самарали фойдаланиш орқали иқтисодиётни юксалтириш, аҳоли фаровонлигини ошириш бўйича бир қатор истиқболли вазифалар белгилаб берилди.

Президентимиз фаоллар йиғилишида миллий маданиятни ривожлантириш, шу аснода давлатимиз иқтисодий-ижтимоий тараққиётини таъминлаш бўйича ниҳоятда ҳаётий ва долзарб таклиф билдирди. Унга кўра, эндиликда ҳар бир умумтаълим мактаби ўқувчиси таълим муассасасини физика, математика ҳамда бошқа кўплаб фанлар қаторида бирон мусиқий чолғуни чалишни ўрганганлик тўғрисидаги баҳоси билан битиради.

Президентимиз бугунги кунда иқтисодиётни ривожлантириш орқали инсонларнинг турмуш даражасини кўтариш жараёнини бошдан кечираётганимизни, аммо маданият ва санъат соҳасини юксалтирмай туриб, ижобий натижаларга эришиб бўлмаслигини таъкидлаб ўтди.

Тарихдан маълумки, илму маърифатда донг таратган алломаларимиз диний ҳамда дунёвий илмлар қаторида мусиқа илми баробарида, амалиётини ҳам батафсил ўрганиб, уни чуқур эгаллашган. Абу Наср Форобий, Сафиуддин ал-Урмавий, Абдулқодир Марағий, Зайнуллобиддин Ҳусайний, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий ва яна кўплаб жаҳонга машҳур мутафаккирлар мусиқий чолғуни чалишни билган ҳамда бу хусусда фундаментал илмий-назарий рисолалар ёзишган. Бундан кўриниб турибдики, мусиқа илмини эгаллаш эстетикаси ўзига хос категория бўлиб, ўрта аср олимларининг комилликка эришишида ниҳоятда муҳим омил сифатида ҳам хизмат қилган.

Давлатимиз раҳбарининг умумтаълим мактаблари дастурига мусиқий чолғуни ўрганиш фанини киритиш борасидаги таклифи бутун бир маданият ва санъат йўналишидаги таълим тизимини ривожлантиришга катта таъсир кўрсатишни тақозо этади. Бу билан, аввало, соҳа мутахассислари учун қўшимча иш ўринларининг яратилишига имконият берилмоқда.

Маълумки, умумтаълим мактаблари ўқувчиларини мусиқа санъатига қизиқтириш осон иш эмас. Бунинг учун кучли иштиёқ уйғотиш зарур. Яъни ўқувчига чолғу чалишнинг афзаллигини тушунтира билиш, шу билан бирга, мусиқий чолғуни чалишда муҳим ҳисобланган сифатлар, хусусан, тинглаш қобилиятини ривожлантириш педагогдан юксак маҳорат талаб этади. Бу борада, аввало, педагогнинг ўзи ижрочиликда ўз касбини яхши эгаллаган, ўқувчи қалбида мусиқага меҳр уйғота оладиган ҳамда санъатнинг инсон умрида тутган аҳамиятини ёшларга етказа биладиган таъсир кучига эга бўлиши керак.

Тан олиш жоизки, шу вақтгача халқ таълими тизимида ўқитиладиган мусиқа ўқув дарслари ҳамиша паст савияда олиб борилган. Мусиқа фани ўқитувчилари билимининг етарли эмаслиги, мусиқий чолғуни ижро этиш тажрибасининг йўқлиги, ўқитиш услубининг ўта жўн ва жайдари кўринишга эга бўлгани сабабли вояга етган кўплаб авлодларнинг ҳақиқий миллий мумтоз ҳамда замонавий мусиқа ҳақидаги тасаввурлари тўғри шаклланмади. Шу боис ҳозирги кунда катта ёшдаги зиёли одамлар билан гаплашганда мусиқа ҳақида гап кетса, соҳани фақатгина кўнгилочар предмет сифатида тушуниб, мийиғида кулиб қабул қиладилар.

Аслида мусиқа санъатини тушуниш, хусусан, унинг асосларини эгаллаш инсон соғлом дунёқарашининг шаклланишида, тафаккур салоҳиятини бойитишда муҳим ўрин эгаллайди. Чунончи, мусиқий чолғуни эгаллаш ниятида юрган бола, аввало, сабрли бўлишни ўрганади. Негаки, мусиқа машғулотлари ўқувчидан ёлғиз қолиб, ўз устида ишлашни, мақсадга эришиш йўлида изланишни талаб этади. Ҳар бир ишга ижодкорлик, масъулият туйғуси билан ёндашишни ўргатади. Бу эса унинг бутун ҳаёти давомида ҳал қилувчи ўринни эгаллайди.

Давлатимиз раҳбарининг халқ таълими тизимига мусиқа илмини киритиш борасидаги таклифининг яна бир ҳикмати ҳам бор. Мусиқа санъати азал-азалдан халқимиз тафаккурининг ажралмас қисми бўлиб келган. Ҳар бир хонадонда дутор ёки бошқа бир мусиқий чолғунинг деворда осилиб туриши, инсонлар қалбига чуқур маънавий озуқа берадиган мусиқий-шеърхонлик машваратларининг одатий ҳаёт тарзига айланиши мусиқа санъати томонидан буюрилган шарт-шароит бўлиб келган.

Шундай экан, халқимизнинг менталитетига хос ушбу хусусиятни ёш авлодни эстетик тарбиялаш воситаси сифатида халқ таълими тизимига жорий этиш ғояси бугунги кун учун долзарб масаладир. Зеро, жамиятимизнинг бу соҳада маърифатли бўлиши, ёшларимизнинг мусиқий меросимизни чуқур тушуниши халқимизнинг миллий ғурурини юксалтириб, эзгу мақсадлари сари дадил интилишига туртки беради.

Ойдин АБДУЛЛАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, «Адолат» СДП фракцияси аъзоси.

www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz

Халқ сўзи
2020 йил 30 июнь

ЁШЛАР АКАДЕМИЯСИ

ёш иқтидорларга қанот, уларнинг юксак парвози учун майдон бўлмоқда

Илм-фан ютуқлари, инновациялар — тараққиёт локомотивидир. Шу боис мамлакатимизда соҳа вакиллари, жумладан, ёш олимлар, инноваторлар, тадқиқотчилар мунтазам қўллаб-қувватланмоқда.

Президентимизнинг 2019 йил 30 августдаги “Ёшларни илм-фан соҳасига жалб этиш ва уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида Ёшлар академиясининг ташкил этилиши бу борадаги ишларни янги мазмун билан бойитди.

Инновацион ривожланиш вазири ўринбосари — Ёшлар академияси раҳбари Олимжон ТЎЙЧИЕВ билан суҳбатимиз ушбу тузилма олдига қўйилган вазифалар, ёш иқтидор соҳиблари эришаётган ютуқлар, умуман, юртимизда ёшларга қаратилаётган эътибор хусусида кечди.

Бизнинг суҳбат

— Ёшлар эртанги тараққиётимизнинг асосий ижодкорларидир, — дейди О. Тўйчиев. — Уларнинг билим ва салоҳиятидан унумли фойдаланиш катта самара беради. Шу боис йигит-қизларнинг нафақат сифатли таълим олиши, балки ғоя ва ташаббусларини ҳаётга татбиқ этиши, турли ихтиролар, ишланмалар яратиши, уларни тижоратлаштиришига қулай шарт-шароитлар яратилмоқда.

Тан олишимиз керак: бир вақтлар тайёр рационализаторлик таклифи бўлган ёш инноватор уни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни билмай боши қотарди. Ёки янги модель яратган ёш ихтирочи уни кимгадир айтишга, ўз янгилигини ҳаётга кўчиришга иккиланарди. Сабаби уларга тўғри йўналиш берадиган, ёш интеллектуал мулк соҳиби ва тадбиркорни ўзаро боғлайдиган аниқ тизилманинг ўзи йўқ эди.

Бугун эса бу борада муҳит ҳам, ёш истеъдодларга муносабат ҳам бутунлай ўзгарди. Президентимиз ташаббуси билан Ёшлар академияси ана шундай тузилма сифатида майдонга чиқди. Натижада ёш иқтидор соҳибларини инновацион тадбиркорлик соҳасига тизимли жалб қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар самарадорлиги ошди. Ёш инноваторлар, олимлар ва тадбиркорларнинг ҳамкорликда иш юритиши учун ягона тизим яратилди. Шу асосда илм-фан соҳасида ёш кадрлар етиштириш механизмининг узвийлиги таъминланмоқда.

— Ёшлар академияси нега айнан Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида ташкил этилди?

— Аввало, шуни таъкидлаб ўтиш жоиз, буни бутун дунёда қабул қилинган тенденция десак ҳам бўлади, инновациялар билан, асосан, навқирон авлод шуғулланади. Ёшлар ҳар доим ғайратли, шижоатли, дунёқараши ҳам бошқача, эртанги кунга ишонч билан қарайди. Мана шу чамбарчас уч жиҳат инновацияларнинг яратилиши, ҳаётга татбиқ этилишида асосий омиллардандир.

Шунинг учун Президентимиз ташаббуси билан Ёшлар академияси айнан Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида ташкил этилди. Бунинг замирида катта маъно мужассам. Яъни ёш авлоднинг креатив фикрлаш, янгиликларга ўчлиги, инновацияга қизиқувчанлиги, билим ва иқтидорига ишонч билан қаралмоқда. Бу бизга рағбат бериши билан бирга, катта масъулият ҳам юклайди. Ёшларимиз эртанги кун бугундан бошланишини теран англаши шарт. Чунки бугун технологиялар тараққиёти даврида яшаяпмиз. Янгидан-янги ихтиролар кун сайин одатий ҳол бўлиб, кундалик турмушимизга кириб келмоқда. Ҳозирги кунда ҳаётимизнинг бир қисмига, ҳар куни фойдаланадиган яқин кўмакчимизга айланган мобиль телефонлар, интернет, компьютер ва бошқа XX аср мўъжизаларига бундан йигирма — ўттиз йил олдин инновация сифатида қаралган. Яъни улар ўша замон учун янгилик ҳисобланган. Шу маънода, бугун яратилаётган ихтиролар, янгиликлар келажакда ҳаётимизнинг бир бўлагига айланади. Мухтасар айтганда, ким бугун меҳнат қилиб, билим олишга, янги лойиҳалар яратишга интилса, ҳаракат қилса, эртага марра ўшаники бўлади.

Бугунги кунда академия олий таълим муассасасига кирган ё кирмаганлигидан, дипломи, илмий даражаси бор ёки йўқлигидан қатъи назар, инновациялар билан шуғулланувчи иқтидорли ёшларни ўз бағрига олган. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, илмий-тадқиқот ҳамда таълим муассасалари билан ҳамкорликда ёшларнинг ижодий, интеллектуал ва тадбиркорлик салоҳиятини юксалтириш, етакчи олимлар ва ишбилармонлар билан алоқаларини мустаҳкамлашга ҳаракат қиляпмиз. Аъзоларимизнинг стартап лойиҳаларини, тижоратлаштириш даражаси юқори бўлган маҳсулотлар ҳамда хизматларни ишлаб чиқаришга йўналтиряпмиз. Ёш иқтидор соҳиблари ва ривожланган хорижий мамлакатларнинг нуфузли илмий марказлари, университетлари, технопарклари ва ишлаб чиқариш корхоналарида малака оширишларига кўмаклашяпмиз.

— Академия аъзолари олиб бораётган илмий ишлар, яратаётган ишланмалар, ихтиролар ҳақида тўхталсангиз. Уларнинг неча фоизини ишлаб чиқаришга татбиқ этиш мумкин?

— Бу ҳақда сўз юритишдан олдин бир фикрни таъкидлашим жоиз: Президентимиз бежиз чекка ҳудудларга боришни, ўша жойлардаги ёшлар билан ҳам мулоқот ўрнатиб, уларнинг фикри, ғоя ва ташаббусларини мунтазам ўрганиш зарурлигини таъкидламас экан. Сабаби вилоятларда хизмат сафарларида бўлганимизда ёшларнинг янгидан-янги ғоялар билан тўлиб-тошиб яшаётганига, турли ишланма ва ихтиролар қилаётганига гувоҳ бўлдик. Муҳими, уларнинг аксарияти баландпарвоз ўй, турли хомхаёллар эмас, ҳаётга кўчириш, ишлаб чиқаришга татбиқ этиш мумкин бўлган инновациялардир.

Мисол учун, Қорақалпоғистоннинг Мўйноқ туманида ана шундай ишланмаларни кўриб, очиғи, ҳайратимизни яшира олмадик. Маълумки, бугун мамлакатимизнинг ушбу чекка ҳудудида кўкаламзорлаштириш, ўрмонзорлар, боғлар яратишга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Буларнинг барчаси, асосан, қўл меҳнати эвазига амалга ошириляпти. Академиямиз аъзоси Рустамжон Мадраимов эса бу жараёнларни автоматлаштириш ниятида. У қуёш панелидан энергия олиб ишловчи робот яратди. Ушбу “ақлли” қурилма ўзи ҳисоб-китоб қилиб, ерга дон-дун сочади. Махсус қутисини уруғлар билан тўлдириб, дастурига оралиқ масофани белгиласангиз, бас. Ўзи қуёшдан энергия олиб, ишлайверади. Натижада офтоб тигида ёки қору ёмғирларда деҳқон қийналмайди. Бугунги кунда ушбу қурилмадан Орол денгизига саксовуллар, дарахтлар уруғларини экишда фойдаланиш кўзда тутилмоқда.

Академиямизнинг яна бир аъзоси, ихтирочи ёшлар орасида анча танилиб улгурган Бунёд Зарипов Хива туманидан. У автоматик қўнғироқ қурилмасини яратган. Биламизки, мактабларда ҳар бир дарс оралиғида танаффусни, кейинги ўқув соати бошланганини ёки тугаганини билдирувчи қўнғироқни чалиш учун одатда кимдир банд бўлади. Инсон омили эса баъзан адашиши, турли сабаблар билан хатога йўл қўйиши мумкин. Бунёд яратган қўнғироқ эса электрон дастур асосида автоматик тарзда ишлайди. Вақти белгилаб қўйилса, кифоя, ўзи керакли пайтда қўнғироқни чалади. Бундан ташқари, айнан шу йигит ис газини аниқловчи қурилма ҳам яратган. У — шу вақтгача мавжуд бўлган ана шундай технологияларнинг ишлаб чиқариш учун қулай ва арзон варианти. Бу қурилманинг ишлаш принципи шундаки, у ҳаводаги газ ҳажмини ўлчайди. Хонада ис гази меъёрдан кўтарилиб кетадиган бўлса, қурилма аввал овоз чиқариб, сигнал беради. Агар қандайдир муносабат бўлмаса, сигнал ўчириб қўйилмаса ёки ис гази хонадан чиқариб юборилмаса, қурилманинг ўзи бир дақиқадан кейин уй эгаси телефонига ва Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг call-марказига огоҳлантирувчи SMS жўнатади. Фавқулодда ҳолат манзили, тури, даражаси ҳақида берилган тезкор маълумот эса уни бартараф этишда қўл келиши аниқ.

Навоийлик Ҳумоюн Ҳайдаров ҳам робототехника бўйича кўплаб лойиҳаларни амалга оширган. У ҳозирги пандемия шароитида жуда фойдали, айни пайтда иқтисодий жиҳатдан самарадор дезинфекцион панель ясади. Ушбу янги қурилманинг афзаллиги шундаки, у ўзига турдош бошқа дезинфекцион панеллардан ишлаб чиқаришда арзон, технологик имкониятлари кенг. Турли ташкилотлар, бино ва иншоотларнинг кираверишқисмига, дарвоза ҳамда эшиклар олдига ўрнатиладиган ушбу мослама одам ёки бирор жисм яқинлашганда ўта аниқлик билан дезинфекцион суюқликни сепади, сўнг автоматик тўхтайди. Бу эса гигиеник воситаларнинг беҳуда исроф бўлмаслигига олиб келади.

Бухоролик ихтирочимиз Шуҳрат Сувонов эса инновацион трактор ишлаб чиққан. Биз одатда тракторнинг баланд овозда “тариллаб” ишлашига ўрганиб қолганмиз. Лекин бу инновацион трактор деярли шовқинсиз ишлайди. Бундан ташқари, янги трактор ўз классидаги ана шундай техникалардан уч ярим баробар енгил. Яна бир афзаллиги — у биогаз ёқилғисида ўт олади. Биз ушбу тракторни бир неча маротаба далаларда синадик. Иш унумдорлиги юқори. Ҳозирги кунда ишлаб чиқаришни йўлга қўйишдан олдин уни давлат тестларидан ўтказиш, стандартлаштириш жараёни давом этмоқда. Ушбу синовларда янги инновацион тракторнинг бошқаларга қараганда 1,7 баробар тежамкор эканлиги ҳам аниқланди.

Академиямизнинг яна бир аъзоси, самарқандлик Санжар Ҳамроев ўз жамоаси билан биргаликда заргарлик соҳасини автоматлаштириш бўйича ноодатий лойиҳа ишлаб чиққан. Ушбу лойиҳа ишлаб чиқаришга татбиқ этиш учун тайёр. Бир узукни ясаш учун заргар, масалан, бир соат вақт ажратадиган бўлса, ушбу қурилма орқали бир соатда 20 — 30 узукка сифатли ишлов бериш, ясаш имконияти мавжуд. Бу ишлов жараёнларининг барчаси автоматлаштириш эвазига амалга ошади. Бугунги кунда ушбу ишланма патентланган бўлиб, унга италиялик инвесторлар катта қизиқиш билдирмоқда. Лойиҳа муаллифлари эса ишбилармонларга ушбу инновацион қурилмани сотишни эмас, уларни Ўзбекистонга жалб этиб, шу ерда ҳамкорликда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш таклифини билдирган.

Давлатимиз раҳбарининг Инновацион ривожланиш вазирлигига ташрифи мобайнида ёшларимизнинг кўплаб лойиҳалари тақдимотини ўтказдик. Улардан бири Амир Обидовнинг “Clean box” лойиҳасидир. Ёш инноватор Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур туманидаги машина гаражида ҳар хил тадқиқотлар, ички тажрибаларни амалга ошириш натижасида ушбу қурилмани яратган. Мазкур технология нано-стерилизатор бўлиб, унинг иши нанотузилмалардан тайёрланган фильтрга асосланади. Қурилма ёрдамида турли нарса-буюмларни, масалан, кийим-кечаклар, чойшаблар, болалар ўйинчоқларини ҳар хил микроб ва вируслардан тозалаш мумкин. Лойиҳанинг долзарблиги шундаки, ундан нафақат кундалик ҳаётда, балки тиббиётда ҳам самарали фойдаланиш имконияти бор. Мен ҳар бир тиббиёт муассасаси, гўзаллик салонлари, умумий овқатланиш жойлари, умуман, ўз саломатлиги ҳақида қайғурадиган, гигиенага қатъий амал қиладиган ҳар бир инсон ана шу инновацион қурилмага эга бўлишини хоҳлардим. Зеро, тадқиқот институтида ўтказган тест синовларига кўра, шкафга ўхшаш ушбу мослама ичига солинган ҳар қандай ашё микробларини 99,7 фоиз йўқ қилади. Ҳатто оёқ кийимлардан ҳид келишига ҳам 15 — 20 дақиқа ичида барҳам беради.

Академия аъзолари томонидан амалга оширилаётган бундай лойиҳалар ҳақида узоқ гапириш мумкин. Муҳими, улар ўлдажўлда қолиб кетаётгани йўқ. Аксарияти ҳаётимиздан жой олмоқда.

— Президентимиз ташаббуси билан Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Ёшлар академиясига замонавий андозалар асосидаги янги бино қуриб берилди. Бу сизларга кўтаринки руҳ, шукуҳ бахш этган бўлса, ажаб эмас.

— Ҳақиқатан ҳам, замонавий, барча қулайликка эга, меъморий жиҳатдан жуда кўркам иншоотга эга бўлганимиздан чексиз ғурур туйдик. Бу ерда ёш инноваторлар учун керакли ҳамма шароитлар яратилган.

Беш қаватли бинони кўздан кечирган ҳар қандай инсон катта таассуротлар, янги ғоялар билан кетиши тайин. Чунки бинонинг қурилишидан тортиб, безатилишигача, хоналарга ёруғлик тушишидан то жиҳозларнинг жойлаштирилишигача ўзига хос инновацион шакл ва мазмун касб этган. Энергия тежамкор махсус ойналар ўрнатилган. Бу ердаги ёш ихтирочилар хонаси бўладими ёки электрон кутубхона, Инновацион ишланмаларни жорий этиш илмий-амалий маркази, робототехника ва мехатроника, интернет дастурлари бўйича замонавий лабораториялар, Илмий-техник ахборот маркази бўладими, ҳеч қайсиси безатилиши, жиҳозланиши жиҳатдан бир-бирини такрорламайди.

Юқори қаватларидан вазирлик ходимлари учун кабинетлар, анжуманлар заллари ўрин олган. Бу ерда аэрокосмик тадқиқотлар ва 3D прототиплаштириш бўйича ўқув лабораториялар ҳам фаолият кўрсатади.

Бино атрофида чиройли боғ, “ақлли” фаввора, мўъжаз кутубхона барпо қилинди. Бепул Wi-Fi ишлаб турибди. Бино атрофига оддий ғоядан бугунги кунда дунёга машҳур инноваторга айланаётган маҳаллий стартап компаниялар брендлари жойлаштирилган. Бу ҳам ёшларимизнинг юксак марраларга интилишига шижоат уйғотади.

...Илму маърифатга интилиб яшаш халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Оққан дарё оқаверади. Илм-фан ва инновациянинг ҳаётимиздаги аҳамияти ошгани сари турмушимиз янада обод ва фаровон бўлиб бораверади. Шу боис бугунги кунда ёшларимизнинг билимга чанқоқлиги, замонавий таълим олиши, инновацион ғоя ва ташаббуслари ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани кўнглимизни нурафшон этиб, эртанги кунга ишончимизни янада мустаҳкамламоқда.

Дилшод КАРИМОВ
(«Халқ сўзи») суҳбатлашди.

ЭЪЗОЗ ВА ЭЪТИБОР ОҒУШИДАМИЗ

Бугун шаҳару қишлоқлардаги барча йигит-қизларнинг шодлиги чексиз, қалби ғурур ва ифтихорга тўла. Мамлакатимизда Ёшлар кунини кенг нишонламоқдамиз. Тўғри, ҳозир пандемия шароити. Лекин бу қалбимиздаги байрам шукуҳини сўндиролмайди. Қайси тадбирда қатнашмайлик, карантин талабларига, гигиена қоидаларига амал қиламиз.

Дил сўзи

Аслида, Ўзбекистон ёшларининг ҳар бир куни байрам. Ахир ҳаётимиз тинчомонликда, эъзоз ва эътибор оғушида кечмоқда. Таълим олишимиз, ўз иқтидоримизни намоён этишимиз, ҳордиқ чиқаришимиз учун қулай шароитлар яратилгани эса нур устига нур. Президентимизнинг беш муҳим ташаббуси, “Yoshlar — kelajagimiz” Давлат дастури, турли лойиҳалар, танловлар, фестиваллар ҳаётимизга мазмун бахш этяпти.

Ёшлар тақдирига куюнчаклик мен туғилиб-ўсган Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманидаги чекка бир қишлоқда ҳам яққол сезилади. Ҳудуддаги 43-умумтаълим мактабида ўғил-қизларнинг истеъдодини юзага чиқариш учун турли тўгараклар фаолият юритади. Мўъжаз кутубхона турфа адабиётларга лиқ тўла. Бу имкониятлар ёшлар салоҳиятини, билими ва иқтидорини юксалтиришга асос бўлаётир. Келажакка ишончни мустаҳкамламоқда.

Очиғи, қалбимдаги ҳаяжонимни яширолмаяпман! 2019 йил баҳорида неча йиллик орзуим ушалди. Зулфия номидаги Давлат мукофотига муносиб топилдим. Юртбошимизнинг ўз қўлларидан бу мукофотни олиш мен учун жуда катта шараф ва бахт бўлди! Бу ишонч ҳамда эътибор зиммамга улкан масъулият юклади.

Биз, ёшлар бугунги кунимиздан мамнун, эртанги кунга катта ишонч билан яшамоқдамиз. Юртимиздаги барча ёшлар қатори жонажон Ўзбекистонимнинг фарзанди эканлигимдан фахрланаман.

Ҳулкар ШЕРЗОДОВА,
Тошкент давлат транспорт университети талабаси,
Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси.

ЭНДИ ИШСИЗ ЭМАСМИЗ: ЎЗ БОҒИМИЗ, ДАРОМАДИМИЗ БОР

Президентимизнинг “2020 йил ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда туб бурилишлар йили бўлади”, деган фикрларининг исботини бугун мен сингари миллионлаб ёшлар ўз ҳаёти мисолида кўриб турибди.

Фикр

Пастдарғом туманининг бепоён Сазоғон кенгликларига туташиб кетган Зарафшон массивидаги очиқ майдонлар шу вақтга қадар фойдаланилмасдан турарди. “Ҳар бир ёшга — бир гектар” лойиҳаси доирасида менга ҳам интенсив боғдорчилик ва чорвачилик билан шуғулланишим учун ўша ҳудуддан туман ҳокими қарорига кўра ер ажратиб берилди. Бу билан нафақат ўзимни, балки оила аъзоларимни ҳамда тенгқурларимни иш билан таъминладим.

23 гектар ер майдонининг 23 нафар ишсиз ёшга шартнома асосида тақсимлаб берилиши натижасида бу ерда кўркам ёшлар боғи барпо бўлди. Энди биз ишсиз ёшлар эмасмиз. Бугун боғимизда олма, узум, гилос, ёнғоқ каби интенсив кўчатлар баравж ўсмоқда. Уларга ҳамоҳанг орзу-умидларимиз ҳам. Ҳудуд инфратузилмасини янада яхшилаш мақсадида 2 километр узоқликдан электр энергияси тортиб келинди ва трансформатор ўрнатилиб, иккита артезиан қудуғида сув чиқарилди. Ердан унумли фойдаланиш мақсадида боғнинг қатор ораларига дуккакли экинлар экдик. Бу ҳам қўшимча даромад, дегани.

Бугун бутун Ўзбекистон бўйлаб кенг қулоч ёйган “Ҳар бир ёшга — бир гектар” лойиҳаси мен каби қишлоқ ёшларига ўз ҳудудимизда, ойламиз бағрида туриб меҳнат қилиш ва даромад топиш имконини берди. Бундан ғоят миннатдормиз.

Бахтиёр ҲАМРОЕВ.
Самарқанд вилояти

«КЕЧАГИНА ШОГИРД ЭДИМ, БУГУН УСТОЗМАН»

Кейинги бир неча йил ичида лавҳамиз қаҳрамонининг ҳаёти тамоман ўзгариб кетди. Ишсиз эди — автомобилларга техник хизмат кўрсатиш сирасорларини ўрганди. Кейин мустақил ишлашга жазм этди. “Настаринбегим автосервис” масъулияти чекланган жамиятини ташкил қилди. Аммо бошпана йўқлигидан ижара бинода ишлади.

Бандлик

Уйланган, бирин-кетин уч фарзандли бўлган кишида, табиийки, рўзғор ташвиши бор. “Бунақада қачон қаддимни тикларканман”, деган ўйлар гирдобида юрганида “Yoshlar — kelajagimiz” Давлат дастури жонига оро кирди.

— Ушбу дастурга мувофиқ, менга 224 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди, — дейди когонлик ёш тадбиркор Фирдавс Жўраев. — Бу маблағга ишимизни оқилона йўлга қўйиш учун сув ва ҳаводек зарур замонавий технологиялар харид қилдик. Бунгача эса ўз биномизга ҳам эга бўлдик. Бешта иш ўрни яратдим. Биласизми, яқин-яқингача рўзғорни қандай қилиб тебратсам экан, деган ташвишда юрардим. Энди у кунлар ортда қолди. Қўшимча сервис хизматларини йўлга қўйиш эвазига яна беш кишининг бандлигини таъминлашни режалаштиряпман. “Интилганга толе ёр”, деганича бор экан. Кечагина шогирд эдим, бугун эса устозман.

Дарҳақиқат, бугун Когон шаҳрининг қайси бурчагига борманг янги, замонавий иншоотларга кўзингиз тушади. У ерда ёшларнинг шижоат билан ишлаётганлигига гувоҳ бўласиз.

— Фирдавсга ўхшаган ташаббускор ёшларни қўллаб-қувватлаш орқали ишсиз йигит-қизлар бандлиги масаласини ҳал этиш ҳаракатидамиз, — дейди Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Когон шаҳар кенгаши раиси Сардор Очилов. — Жумладан, биргина “Yoshlar — kelajagimiz” Давлат дастури доирасида жорий йил якунигача хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида ташаббускор йигит-қизларга 700 миллион сўм миқдорида кредит ажратилиши кўзда тутилган. Йилнинг дастлабки чорагида “Yoshlar mehnat guzari” комплексининг қурилиб, фойдаланишга топширилиши натижасида 60 га яқин иш ўринлари яратилди.

Шу ўринда айтиш жоиз, махсус ишчи гуруҳ томонидан шаҳарда ишсиз ва норасмий секторда банд ижтимоий ҳимояланмаган 1031 йигит-қизнинг рўйхати шакллантирилиб, уларга сектор раҳбарлари, халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутатлари ҳамда корхона ва ташкилотлар раҳбарлари бириктирилгани ёшларга имкониятлар эшигини очмоқда.

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).

САВОБНИНГ КАТТА-КИЧИГИ БЎЛМАЙДИ

Коронавирус билан боғлиқ мураккаб вазият халқимизнинг ўзаро меҳр-оқибатини, сабр-бардошини синовдан ўтказмоқда. Юртдошларимизнинг кўпчилиги кам таъминланган инсонларга имкони борича ёрдам беряпти.

Мулоҳаза

Қувонарлиси, бу жараёндан ёшлар ҳам четда тургани йўқ. Президентимиз ташаббуси билан йўлга қўйилган “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракатида кўнгилли сифатида фаол иштирок этаётир.

Мен ушбу ҳаракатда қатнашиш билан бирга, интернетдаги ижтимоий тармоқларда “Дори-дармон” номли саҳифа ташкил этиб, аҳоли хонадонларига дори етказиб беришни йўлга қўйдим. Бугунги қийин шароитда зарур дори-дармонни излаб сарсон бўлмай, уйида ўз нархида қабул қилиб олиш муҳтож кишини ниҳоятда хурсанд қилади. Бировнинг оғирини енгил қилиш — савоб. Савобнинг эса катта-кичиги бўлмайди.

Инсон дунёга келганда, фаришта мисоли бўлиб келади. Лекин яхши одам бўлиб қолиш учун у доим курашиб яшаши керак, доим изланиши, илмга ошно бўлиши керак. Шундагина у ҳақиқий инсон бўлиб қолади. Мана шундай синовли вазиятлар ҳам қайсидир маънода инсонни тоблайди, қайсидир маънода ўзлигига қайтаради.

Қодиржон ҲУСАНОВ,
«OXY MED» фармацевтик компаниясининг Андижон вилоятидаги вакили.

БИЗНИНГ ЮТУҚЛАР — ЎЗБЕКИСТОН ҒАЛАБАСИ

Мамлакатимизда кейинги йилларда ёшларнинг жисмоний тарбияга қизиқишларини янада ошириш, спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун етарли шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ифтихор

Бунинг натижасида спортчи йигит-қизлар юртимиз ва жаҳон ареналарида ўз иқтидорини намойиш этяпти. Ватанимиз байроғини сарбаланд ҳилпиратяпти.

Ана шундай музаффар ёшлар қаторида эканимдан ғоят бахтиёрман. Яқинда пандемия шароитида ўтказилган онлайн мусобақада икки йўналиш бўйича иккита олтин медални қўлга киритганимдан фахрланаман.

Дунёнинг турли ҳудудларида спорт мусобақаларида қатнашамиз. Қаерда бўлмайлик ота-онамиз дуосини, халқимизнинг меҳрини, умид ва ишончини ҳис қилиб турамиз. Бинобарин, мамлакатимизда ёшларга яратиб берилаётган шароитлар замирида бир эзгу мақсад — бизнинг муваффақият қозонишимиз, қаерда бўлмайлик бошимизни баланд тутишимиз, бахт-саодатга эришишимиз ётибди.

Зеро, биз қўлга киритаётган ютуқлар, шубҳасиз, Ўзбекистон ғалабасидир!

Жавоҳир ҚУРБОНОВ,
Гулистон давлат университети талабаси, «Баҳодирлар ўйинлари» ва тош кўтариш спорт тури бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси, «Мард ўғлон» давлат мукофоти соҳиби.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 656. 44 487 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА яқуни — 22.45 Топширилди — 01.20 1 2 3 4 5 6